

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

“ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ” КАФЕДРАСИ

Жиноят ишени қўзғатиш сабаб ва асослари
мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Бажарди: 4-курс “Жиноят
ҳуқуқий фаолият” йўналиши
талабаси **Ҳайитов Икром**
Шераматович

Илмий раҳбар: “Жиноят-
процессуал ҳуқуқи” кафедраси
ўқитувчиси **Алланова**
Азизахон Авазхоновна

ТОШКЕНТ – 2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-7
-------------------	------------

I БОБ. ЖИНОЯТ ИШЕНИ ҚЎЗҒАТИШ САБАБ ВА АСОСИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	8-31
--	-------------

1.1. Жиноят ишени қўзғатиш сабаб ва асослари тушунчаси ва моҳияти.....	8-16
---	------

1.2. Жиноят ишени қўзғатиш учун сабаб ва асослари институтининг вужудга келиши ва ривожланишининг тарихи.....	17-23
--	-------

1.3. Жиноят иши қўзғатилгунга қадар ўтказиладиган тергов ва процессуал ҳаракатлари.....	24-31
--	-------

II БОБ ЖИНОЯТ ИШЕНИ ҚЎЗҒАТИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ ВА ХОРИЖ АМАЛИЁТИ.....	32-61
---	--------------

2.1. Жиноят ишени қўзғатиш сабаб ва асослари.....	32-35
---	-------

2.2. Жиноят ишени қўзғатишнинг процессуал тартиби ҳамда уни такомиллаштириш.....	36-48
---	-------

2.3. Жиноят ишени қўзғатишнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати	49-56
---	-------

2.4. Жиноят ишени қўзғатиш сабаб ва асослари юзасидан хорижий тажриба	57-61
--	-------

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	62-64
---------------------------------	--------------

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	65-69
--	--------------

КИРИШ

Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидлаганидек, “мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир”¹.

Ушбу ислоҳотлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрдаги ЎРҚ-335-сонли Қонуни² асосида суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан ЖПКга Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш йўналишида кўзда тутилган қатор ўзгартишлар киритилди. Худди шунингдек, судлар жинойт ишини қўзғатишга ваколатли субъектлар доирасидан чиқарилди ва ўзларига хос бўлмаган жиноий таъқиб функциясидан халос бўлди. Бу ҳам одил судловнинг ҳолислигини таъминлашда муҳим ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатимиз олдида турган асосий вазифалардан бири халқимиз тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашдан иборат. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жинойт процессуал кодекси ҳам айнан мана шу мақсадга хизмат қилади. Айниқса, бугунги кунда фуқаролар ва давлат хавфсизлиги

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуоти хизматининг расмий веб-сайти – www.press-service.uz.

² Ўзбекистон Республикасининг 18.09.2012 й. ЎРҚ-335-сон “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 9/2-сон, 244-модда.

глобал аҳамият касб этиб бормоқда. Президентимиз И.А.Каримов бугунги кундаги халқаро вазиятга тўхталиб шундай дейди: “Жаҳоннинг турли минтақа ва ҳудудларида қарама-қаршилик ва зиддиятлар, қонли можаролар, халқаро терроризм, экстримизм, наркотрафик каби хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда, фашизм деган бало яна бош кўтармоқда, миллатчилик, шовинизм деган офатлар майдонга чиқмоқда³”.

Мазкур босқичда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида 2012 йил 25 декабрда “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам муҳим кадам ҳисобланади.

Жиноят ҳамда жиноят-процесси қонунларини либераллаштириш жараёнида жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асосларига оид муаммоларини илмий таҳлил этиш асосида мавзунинг долзарблигини қуйидаги тартибда баён этишимиз мумкин:

биринчидан, Президентимиз Ислам Каримовнинг концептуал ғоялари, амалий кўрсатма ва йўл-йўриқларининг методологик асоси бўлган суд-ҳуқуқ ислохотларининг биринчи босқичида – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди, унинг асосида Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда улардан амалиётда самарали фойдаланилмоқда. Айни пайтда жиноят-процессуал қонунининг либераллаштирилиши билан боғлиқ ислохотлар тобора чуқурлашиб, динамик жараёнга айланганлиги сабабли уни тегишли равишда илмий мушоҳада этиш заруратини вужудга келтирди;

иккинчидан, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни чуқур илмий таҳлил қилиш зарурлиги, фан ва амалиётнинг узвий ҳамда чамбарчас алоқасини таъминлаш эҳтиёжи тобора ошиб бормоқда. Тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган асосий беш тамойилидан бири – қонун устуворлигини таъминлаш экан, жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асослари таҳлил этиш юқоридаги

³ Каримов И.А.нинг 2015 йил 9 майдаги маърузасидан. // <http://www.press-service.uz>

вазифалар билан узвий боғлиқ бўлиб, алоҳида тадқиқ қилиниши жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясининг муҳим вазифаларидан биридир;

учинчидан, юртимиз жаҳон ҳамжамиятига чуқур интеграциялашуви, илғор мамлакатлар юридик тажрибасидан фойдаланиб, ўз миллий кадриятларимизга мос равишда қонунчиликни ривожлантириб, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамланиб бориши илмий методологик асосларини жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асосларига нисбатан қўллаш ва ўрганиш – давр талабидир;

тўртинчидан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий амал қилинаётган, уларга устуворлик берилган республикамызда нафақат фуқароларнинг бурчлари, шунингдек давлатнинг шахс олдидаги мажбуриятларини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилаётган вазиятда тадқиқот мавзусини юқоридаги асосларга кўра ўрганиш муҳим амалий натижалар бериши мумкин.

Ўрганилган жиноят ишларининг таҳлили, жиноят қонунларини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотларга қарамай, аҳолининг айрим қатламлари ҳуқуқий онгида ижобий силжишлар кузатилмаяпти, ҳатто қонунни қўлловчи орган ходимлари ҳам жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асослари бўйича айрим камчиликларга йўл қўймоқда.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Ушбу битирув малакавий ишининг амалий аҳамиятини қуйдагиларда кузатиш мумкин:

- Битирув-малакавий ишнинг таклиф ва хулосалари жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асослари юзасидан амалга оширилиши муаммолари бўйича кейинги олиб бориладиган илмий ишлар учун қўлланилиши мумкин.

- Ўйлаймизки, ишдаги назарий хулосалар, мулоҳазалар, асосли таклифлар ва тавсиялар жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асосларини амалга оширишга қаратилган миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш ҳамда ушбу фаолият самарадорлигини оширишга оз бўлсада ўз ҳиссасини қўшади.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатнинг ташкил топиши ҳамда

конунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги фундаментал асарлари⁴, маърузалари⁵, инсонпарварлик руҳи билан суғорилган Конституциямиз ва миллий қонунчилигимиз билан бир қаторда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари тадқиқотнинг илмий ўрганиш асосини ташкил этади.

- Битирув малакавий ишининг норматив негизини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, амалдаги Жиноят-процессуал ва бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг норматив ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган жиноят-процессуал масалаларга доир муайян ҳужжатлари ташкил этади. Тадқиқот натижалари бўйича чиқарилган ҳулосалар ва таклифлар амалдаги жиноят-процессуал қонуни нормаларининг таҳлилига асосланади.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Битирув малакавий ишида илгари сурилаётган қоидалар жиноят-процессуал ҳуқуқи ва жиноят ҳуқуқи фанининг тегишли институтларини бойитишга ва янада мукаммаллаштиришга хизмат қилади. Иш натижаларидан ҳақиқатни аниқлаш муаммоларини ўрганиш ва уни янада такомиллаштиришда назарий асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг предмети. Мазкур БМИнинг жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асосларини предметини ҳуқуқий асослари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар, суд амалиёти ва статистик маълумотлар ташкил қилади.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Ушбу битирув малакавий ишидан қўзланган асосий мақсад жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асосларини жиноят-процессуал қонунчилигини тизимлаш ва тўғри йўлга қўйиш ҳисобанади. Мазкур ҳолатни таъминлашга эришиш учун соҳани чуқур ўрганиш, мавжуд ҳолатларни таҳлил қилиш ҳамда мавжуд муаммо ва

⁴ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

⁵ Каримов И.А Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси Т-“Ўзбекистон”- 2010 й 12 ноябрь - Б. 56

камчиликларни аниқлаш, уларга баҳо бериш ва такомиллаштириш, шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаси асосида миллий қонунчилигимизни, шунингдек, жиноят-процессуал соҳасини ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар беришдан иборат.

Юқорида белгиланган мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишининг олдида қуйидаги **вазифалар** қўйилди:

- жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асосларини ҳуқуқий тартибга солишга доир ҳуқуқ нормалари ва уларнинг аҳамиятини таҳлилий жиҳатдан ёритиб бериш;

- жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асосларини оид асосий тушунчаларга илмий-назарий таъриф бериш;

- жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асосларини тартибга солинишини ўзига хос жиҳатларини белгилаб олиш;

- жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асосларини бўйича қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асосларини бўйича қонунчилик ва амалиётни ўрганиш, уларнинг шу соҳадаги ютуқлари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш ва асослаб бериш.

Битирув-малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Мазкур битирув-малакавий иш кириш, етти параграфни ўз ичига олган иккита боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

I БОБ. ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗҒАТИШ САБАБ ВА АСОСИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1 Жиноят ишени қўзғатиш сабаб ва асослари тушунчаси ва моҳияти

Прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишени қўзғатишлари, жиноий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт.

Жиноят ишени қўзғатиш – жиноят процессининг дастлабки мустақил босқичидир. Жиноят ишени қўзғатиш орқали жиноят иши юзасидан жиноий-ижтимоий муносабат бошланади⁶.

Суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноят аломатларини аниқлаганларида жиноят ишени қўзғатишга мажбурдирлар ва бу мажбурият қонун талабларига асосланган ва жиноят иши бўйича дастлабки терговни олиб бориб, айбдорларни аниқлаб, уларни тегишли жавобгарликка тортиб суд маҳкамасида уларга нисбатан одилона ҳукм чиқариш шароитларини яратиб беришлари, суд эса уларни қонунга асосан жазолаши лозим. Ушбу мансабдор шахсларнинг қарорлари бирон бир шу ишдан манфаатдор шахс ва ташкилотлар ҳамда жабрланувчининг талабларига боғланмаган ҳолда бўлиши керак. Бу ҳолат жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят ишени қўзғатиш ҳолларига таъсир этмайди, негаки бу ҳолларда жиноят иши айнан жабрланувчининг аризаси асосида қўзғатилиши лозим.

Асослантирилмаган жиноят ишени қўзғатиш – умумий ҳолда жиноятчиликка қарши кўрашишдаги қаршилиқни вужудга келтиради. Бу қаршилиқ дастлабки тергов органларининг ҳақиқатда содир этилган оғир жиноятларни очишига ҳалақит беради ва эътиборсиз қолдиради. Бу ҳолатни уларнинг вақти, кучлари ва бошқа воситаларини бекорга сарф қилиниши билан изоҳлаш мумкин.

⁶ Jinoyat protsessi: (Maxsus qism): Yuridik oliy o'quv yurtlari va universitetlarining yuridik fakulteti talabalari uchun darslik (Z.F.Inog'omjonovanning umumiy tahriri ostida). –T.: TDYI nashriyoti, 2008. 359 bet.

Шундай ҳолатларни ҳам эътиборсиз қолдирмаслик керакки, асоссиз ҳолда бошланган дастлабки тергов натижасида фуқаролар зарурат бўлмаган ҳолатларда ҳам ижтимоий фойдали меҳнатдан маҳрум қилинадилар ва милицияга, прокуратура ҳамда суриштирув органларига қатнайдилар.

Жиноят ишини қўзғатишни асоссиз рад этиш шунингдек, жиноят ҳақидаги аризалар (маълумотлар)ни руйхатдан ўтказишдан туғридан-туғри яшириш жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини бузади, фош этилган жиноятчиларга янги, янада оғир ва шафқатсиз жиноятларни содир этишга ҳамда бошқа шахсларни жалб этишларига имконият яратади. Бундай қонунбузарликлар у ёки бу туман, шаҳардаги жиноятчиликнинг аниқ ҳолатини бузиб кўрсатади, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар обрусига путур етказади⁷.

Ҳар бир ҳуқуқбузарлик факти учун керак бўлган баҳоларни бериш, реал ҳақиқатда мавжуд бўлган жиноят таркибини ташкил қилувчи, аниқ мос келадиган ҳолатларни аниқлашдек муҳим шартлар амалга оширилса, жиноят судлов иш юритувининг вазифалари муваффақиятли амалга оширилиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари мустаҳкам ҳимоя қилиниши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш – жиноят процессининг мустақил босқичидир. Жиноят ишлари бўйича иш юритув ҳар бири ўзининг қўлланиш доирасига эга бўлган бир неча бир-бири билан боғлиқ босқичлардан ташкил топган. Бу босқичлар умумий қилиб олинганда жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлашга ва суд томонидан одилона ҳукм чиқарилишига қаратилган.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичи баъзи бир тергов органлар амалиётида иккинчи даражали босқич сифатида кўрилади. Бундай ҳолатнинг тасдиғи сифатида маълум бир равишда баъзи бир назариётчилар ушбу босқич аҳамиятини жиноят процессининг бошқа босқичларидан пастроқ қуядилар (жумладан суд муҳокамаси босқичидан). Лекин жиноят процессуал кодекси кўрсатмалари қуйидаги хулосани беришга имкон беради, яъни

⁷ Рыжаков А.П. Уголовный процесс: возбуждение и отказ возбуждении уголовного дела. Учебное пособие. – Тула, 1996. – С.26.

жиноят ишини қўзғатиш босқичи бошқа босқичлар сингари муҳим процессуал аҳамиятга эга бўлгани ҳолда мустақил босқичдир⁸.

Шунга мувофиқ равишда ЎЗР ЖПК жиноят ишини қўзғатиш босқичига махсус 41-бобни ажратган. Ушбу боб 321-338 моддаларни ўз ичига олган. Ушбу бобда жиноят ишини қўзғатишнинг асос ва сабаблари, жиноят ишини қўзғатиш ва рад этиш тартиби, жиноят иши қўзғатилганидан кейин вужудга келадиган процессуал ҳаракатлар бўйича иш юритувни қонунчилик томонидан тартибга солиш қоидалари бериб ўтилган. Жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги ва асослантирилганлиги устидан прокурор назоратига ҳам махсус модда бағишланган.

Шу муносабат билан жиноят ишини қўзғатиш комплекс нуқтаи назардан ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жиноят ишини қўзғатиш институти одатда процессуал қарорлар турларидан бирини аниқлаш учун ёки жиноий судлов иш юритувининг бирор босқичини ифодалаш учун ишлатилади. Иккинчи маънода олсак жиноят ишини қўзғатиш – жиноят процессининг биринчи босқичидир. Унинг биринчи эканлиги шундаки, чунки айнан унда жиноий иш бўйича иш юритувни бошлаш керакми деган асосий масала ҳал қилинади.

Жиноят ишини қўзғатиш жиноий иш юритувининг жиноят ишлари бўйича босқичларга бошланғич бўладиган нафақат биринчи ва мажбурий босқич балки шу билан бирга ҳар бир жиноят иши ушбу босқичларни четлаб ўта олмайдиган босқичдир.

Юридик адабиётларда таъкидланганидек, жиноят ишини қўзғатиш жиноят-процессуал институт сифатида суриштирувчи, суриштирув органи, терговчи, прокурор ёки жабрланувчининг (хусусий айблов ишлари бўйича) жиноят суд иш юритувини бошлаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларини тартибга солувчи процессуал нормалар мажмуидан иборат.

⁸ Артемов Л.А. Стадия возбуждения уголовного дела: процессуальные особенности и правовая регламентация действий правоохранительных органов: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Владимир, 2004. – С. 8.

Д.М.Миразов таъкидлаганидек, “жиноят ишини қўзғатиш – жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, жиноят иши ундан бошланади. Бу босқич жиноят процессининг ЖПК 2-моддасида кўрсатилган умумий вазифаларини бажаришга хизмат қилади. Лекин, бундан ташқари, у мустақил вазифага – жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш вазифасига ҳам эга. Ушбу босқичнинг моҳияти шундаки, суриштирув органи, терговчи, прокурор ва суд ўзларига маълум бўлиб қолган ҳодисада жиноят белгиларини аниқлаб, жиноят иши бўйича иш юритишни бошлаш ҳақида қарор қабул қиладилар. Бундай аломатлар бўлмаганида, шунингдек жиноят ишини юритишни истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда эса, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилади”⁹.

Ҳақиқаттан ҳам жиноят ишини қўзғатиш жиноят суд иш юритувининг мустақил босқичи бўлиб, асосий вазифаси жиноят иши бўйича юритувни бошлаш имкониятини аниқлашдан иборат¹⁰. Шу баробарида жиноят ишини қўзғатиш жиноятчиликка қарши курашишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади¹¹.

Б.Б.Ҳидоятлов таъкидлаганидек, “Жиноят ишининг қўзғатилиши суриштирув ва дастлабки терговни бошлаш учун ҳуқуқий асос яратади. Суриштирув органи жиноят иши ҳақидаги материал келиб тушган пайтдан эътиборан, дарҳол жиноят ишини қўзғатиш, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини олиб бориш, жиноят ишини терговга тегишлилигига қараб юбориш каби процессуал ҳаракатларни бажариши лозим”¹².

Жиноят процесси махсус қисми дарслиги муаллифларининг қайд этишича, “Жиноят ишини қўзғатиш – жиноят процессининг дастлабки мустақил босқичидир. Жиноят ишини қўзғатиш орқали жиноят иши

⁹ Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Миренский Б.А., Раҳмонкулов А.Х., Қодирова В.В. ва б.к. – Тошкент: ЎзР ИИБ Академияси, 2012. – Б. 295.

¹⁰ Раҳмонкулов А.Х. Дастлабки терговни илмий асосда ташкил қилишнинг баъзи жиҳатлари // Ўзбекистонда ҳуқуқ фанини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2004. – Б. 399.

¹¹ Кабулов Р., Соттиев И.А. Жиноятчиликка қарши кураш сиёсати ва унинг ички ишлар органлари фаолиятида амалга оширилиши: Маърузалар курси. – Тошкент: ЎзР ИИБ Академияси, 2012. – 189 б.

¹² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир: проф. Абдураҳимов Ф. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 366.

юзасидан жинойй-ижтимоий муносабат бошланади. Жиноят ишини кўзғатишни икки қисмга бўлиш мумкин: жиноят ишини кўзғатишгача бўлган фаолият; жиноят иши кўзғатилган кейинги фаолият”¹³.

Н.М.Қўшаев ёзганидек, “Жиноят иши кўзғатилгандан кейин барча тергов ҳаракатларини ўтказиш мумкин. Шундагина гумонни айбловга айлантириш учун, шунингдек гумон ифодаланмаган бўлса ҳам, тўғридан-тўғри айбловни ифодалаш учун тўлиқ имконият вужудга келади”¹⁴.

Р.С.Акперов жиноят ишини кўзғатишни кенг ва тор маънода кўриб чиқишни таклиф қилади. Кенг маънода жиноят ишини кўзғатиш комплекс тармоқлараро ҳуқуқий институт бўлиб, ўзида жиноят тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал қилишни тартибга солувчи маъмурий ва жиноят-процессуал нормалар мажмуини ифодалайди. Тор маънода жиноят ишини кўзғатиш деганда, жиноят тўғрисидаги хабарни кўриб чиқиш ва текширишни тугатиш ва жиноят бўйича дастлабки тергов бошланиши ҳамда қарор шаклида чиқарилган процессуал қарор тушунилади¹⁵.

Юридик адабиётларда бошқача фикр ҳам айтиб ўтилган: жиноят процессининг биринчи босқичи сифатида жиноят ишини кўзғатишнинг характери қуйидаги шарт билан боғланади, қачонки жиноят ишини кўзғатиш босқичидан кейин дастлабки тергов босқичи келса, бу босқични жиноят процессининг биринчи (дастлабки) босқичи сифатида кўриб чиқиш керак, бироқ жиноят процессуал иш юритувида жиноят иши кўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши билан тугаса, бунда у процесснинг бир қисми(босқичи) эмас, балки бутун бир процесс ҳисобланади¹⁶.

Жиноят ишини кўзғатишда жиноят процесси нормалари билан тартибга солиниб амалга ошириладиган ҳаракатлар ва ундан келиб чиқадиган

¹³ Жиноят процесси. Махсус қисм. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – Б. 4.

¹⁴ Қўшаев Н.М. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 72.

¹⁵ Акперов Р.С. Возбуждение уголовного дела в уголовно-процессуальном праве Российской Федерации: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Самара, 2010. – С.12.

¹⁶ Рыжаков А.П. Уголовный процесс: возбуждение и отказ возбуждении уголовного дела. Учебное пособие. – Тула, 1996. – С. 27.

хукукий муносабатлар процессуал характерга эга бўлади. Жиноят ишини қўзғатиш босқичида асос ва сабаблар ҳамда иш юритув тартибини тартибга соладиган хукукий нормалар мажмуи – жиноят процессуал хукуқининг мустақил институтни ташкил этади¹⁷.

Жиноят ишини қўзғатиш – ҳар бир иш бўйича жиноят процессининг дастлабки ва мажбурий босқичидир¹⁸. Жиноят ишини қўзғатиш жиноят процесси босқичи сифатида ваколатли давлат органлари ва мансбдор шахсларнинг содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақида маълумот олганларидан кейин, жиноий иш юритув учун зарур бўлган маълумотлар мавжудлигини аниқлаш ва бу иш юритувини бошлаш ҳақида қарор чиқаришларидан таркиб топади.

Ўз вақтида жиноят ишини қўзғатиш муҳим зарурий бўлган далилларни янада тўлароқ аниқлашда ва мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади. Кечиктириб чиқарилган қарор жиноятни очишда кейинчалик фаолиятни ва айбдорларни фош этишни (содир қилинган жиноят жойи, шароити ўзгаради уни излари йўқ қилиб юборилади, гувоҳлар жиноий ҳодиса ҳолатларини эсдан чиқарадилар) анча қийинлаштиради. Шунинг учун жиноят ишини қўзғатиш кўп ҳолатларда тергов давом этишини таъминлаб беради¹⁹.

Жиноят ишини қўзғатиш акти – бошланган жиноий фаолиятни кесиб ўтиши ёки ижтимоий хавфли ҳодисаларни бошланишини олдини олган ҳолатлар кам эмас. Жумладан, жиноят иши қўзғатиш тўғрисида қарор чиқарилиши билан жиноятчининг кейинги жиноятлари йўли тўсилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, жиноят процессининг бу босқичида жиноят иши нафақат маълум бир шахсга, балки айнан шу фактга, яъни жиноят ҳодисаси фактига нисбатан ҳам қўзғатилади.

¹⁷ Усачев А.А. Возбуждение уголовного дела в российском уголовном судопроизводстве: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Иркутск, 2003. – С. 7.

¹⁸ Тергов аппаратлари фаолиятини ташкил этиш: Маърузалар курси. Муаллифлар жамоаси: Миразов Д.М., Акрамходжаев Б.Т., Закурлаев А.К. ва б.қ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 54.

¹⁹ Глебова А.Г. Процессуальное положение и содержание деятельности следователя при осуществлении уголовного судопроизводства по делам об экономических преступлениях: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2014. – С. 13.

Жиноят ишини қўзғатишда жиноий жавобгарликка тортилиши керак бўлган шахс кўп ҳолларда ноъмалум бўлади, уни топиш ва фош этиш жиноят иши суриштирув ёки дастлабки тергов пайтида қўзғатилгандан кейин амалга оширилади. Лекин жиноят ишини қўзғатишда маълум бир шахсга нисбатан ушбу жиноятни содир этганликда гумон бўлса ҳам, уларни текшириш, далиллар билан тасдиқлаш керак, булар жиноят ишини қўзғатиш вақтида маълум бир шахснинг аниқ бўлиш ҳолатлари ҳам учрайди (масалан, жиноятчини ҳодиса жойида ушлашда). Бундай ҳолатларда жиноят ишини қўзғатиш ва жиноий жавобгарликка тортиш максимал даражада яқинлашади, лекин барибир бу ерда айбланувчи сифатида жалб қилиш тўғрисида қарор бевосита жиноят ишини қўзғатиш дан кейин чиқарилади. Агар ваколатли давлат органи(мансабдор шахс) содир этилган ёки тайерланаётган жиноят ҳақида хабарни текшириш натижасида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарса жиноят ишини қўзғатиш босқичи бўлмаган деб ҳисоботланмайди, балки ушбу босқич бўлиб ўтганлиги натижасида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилганлиги билан ифодаланади²⁰.

Жиноят ишини қўзғатиш – жиноят процесси босқичини тавсифловчи (аниқ вазифалар, жиноят процесси асосий принципларининг ўзига хос талқини, жиноят процессуал ҳаракатлар ва ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос доираси) барча ўзига хос белгиларга эга бўлган жиноят процессининг мустақил босқичидир.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичининг бошқа босқичлардан мустақиллиги унинг ҳал қиладиган масалалари билан ифодаланади. Жумладан, бу ерда нафақат содир этилган жиноят ҳақидаги маълумотни қабул қилиб олинади, балки олинган маълумотлар текширилади ҳамда жиноят ишини қўзғатиш ёки рад этиш тўғрисида асослантирилган қарор чиқарилади.

²⁰ Уголовно процессуальные основы деятельности органов внутренних дел. Под ред. Безликина Б.Г.. – М., 1988. – С.14.

Бу ерда иккита вазифа амалга оширилади. Бир томондан, жиноят содир этилиш ҳар бир фактга таъсир этиш, иккинчи томондан жиноят процесси кейинги босқичларидан, хусусан, дастлабки тергов босқичида: а) ҳақиқатда содир бўлмаган; б) айнан жиноят ҳисобланмаган, ҳеч бўлмаганда жиноят таркиби объектив томонининг бирорта зарур белгиси мавжуд бўлмаган; шу жумладан кам аҳамиятли (маъмурий, ижтимоий ва бошқа қилмишлар) фактларни кўриб чиқишга йўл қўймасликка олиб келинади²¹.

Бу босқичда дастлабки тергов босқичида мавжуд бўлган муносабатлардан фарқ қиладиган ўзига хос жиноят-процессуал муносабатлар ҳаракат қилади.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичининг мустақиллик хусусияти шунда кўринадики, у ўзида жиноят процессуал фаолият босқичини акс эттиради ва ҳеч бир жиноий иш уни четлаб ўтолмайди. Ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят иши қўзғатилмасдан туриб ҳам алоҳида ҳодисада қонунда кўрсатиб ўтилган барча шу ҳаракатлар учун ҳуқуқий асос бўлмайди²².

Жиноят ишини қўзғатиш босқичини жиноий процессуал ҳаракатлар ва ҳуқуқий муносабатлар мажмуи ташкил қилади. Жиноят процессининг бошқа босқичлар сингари жиноят ишини қўзғатиш – маълум вақт (давр) оралиғидир, қайсики бу вақт оралиғида махсус турдаги жиноий процессуал фаолият амалга оширилади ва бу жиноят ҳақидаги дастлабки ариза (хабар) ларни текширишда ифодаланади. Бу босқичнинг моҳияти ҳам шундадир²³.

Жиноят ишини қўзғатиш – бу нафақат процессуал қарор, нафақат ҳуқуқий институт, балки бу, аввало жиноят процессида ўз ўрнига эга бўлган босқичдир.

Жиноят иши қўзғатишнинг моҳияти нафақат прокурорнинг, терговчининг суриштирув органининг ариза ёки содир этилган, шунингдек

²¹ Рыжаков А.П. Уголовный процесс: возбуждение и отказ в возбуждении уголовного деле. Учебное пособие. – Тула, 1996. – С.10.

²² Картохина О.А. Начало и прекращение уголовного преследования следователями органов внутренних дел: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2003. – С. 14.

²³ Рыжаков А.П. Краткий курс уголовного курса. – М.: Филинг, 1998. – С. 188.

тайёрланаётган жиноят ҳақида хабарни қабул қилишликда, балки иш юритувида бу ариза ва хабарларни қонунда белгилаб қўйилган муддат ичида керакли материалларни талаб қилиб олиш, жиноят иши қўзғатиш ҳақида ёки қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор чиқаришда ифодаланади.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичида ҳал қилинадиган умумий ва бевосита вазифалар прокурорга, терговчига, суриштирув органига юклатилган. Бу вазифалар – жиноят содир қилишда айбдор шахсларни, шахснинг айбини, жиноят мотивлари, жиноят содир қилиш усули ва ҳоказоларни аниқлашдан иборат.

А.П.Рыжаков ушбу босқичнинг вазифасини икки томонлама қилиб ифодалаб берган. Бир томондан ҳар бир содир этилган жиноятга таъсир кўрсатиш, жиноят таркибининг объектив томонини ташкил этадиган барча ариза(хабар)ларни дарҳол руйхатдан ўтказиш. Бошқа томондан кейинги босқичларда чеклаш, хусусан, дастлабки тергов босқичидан, яъни зарур бўлмаган ҳолатда ва жиноят ҳисобланмаган қилмиш бўйича тергов ҳаракатларини олиб борилишига йўл қуймаслик. Шу билан бирга, бу вазифалар қачонки жиноят ҳақидаги аризалар бўйича дастлабки текширув тугаганидан кейин ҳал қилинган деб ҳисоботлаш мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичини иккита мустақил қисмга бўлиш мумкин. Уларнинг ҳар бири махсус турдаги вазифалари, фаолияти билан характерланади ва аниқ процессуал қарор чиқариш билан тугайди. Биринчи тайёргарлик босқичи – унинг асосий вазифаси, жиноят процессининг бошланишига асос бўлган, унинг сабабларида акс этган жиноятни қайси органга тааллуқлилигини аниқлашдир. Иккинчи босқич – жиноят объектив томонини белгиларини кўрсатадиган етарли маълумотларни йиғиш босқичи. Унинг асосий вазифалари жиноят ишини қўзғатиш учун шарт-шароитлар миқдорини аниқлашдан ҳамда шу билан биргаликда дастлабки тергов босқичини ҳақиқий ҳолатдаги фактга эга бўлмаган ва жиноят ҳисобланмаган ишлардан четлашишдан иборат²⁴.

²⁴ Рыжаков А.П. Краткий курс уголовного процесса. – М.: Филинг, 1998. – С. 189.

Жиноят ишини қўзғатиш жиноий суд иши юритувининг босқичи сифатида қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: а) вақтинчалик муддат чегараларига эга – 3 суткагача ёки (кечиктириб) қолдириб бўлмайдиган ҳолатларда 10 суткагача; б) ушбу босқичга тегишли бўлган мақсадни кўзлаш, кўрилаётган қилмишда аниқ шикоят белгилари бўйича фактик маълумотларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш; в) муайян қилмиш бўйича маълумотларни топширишда белгиланган усул ва воситаларни қўллаш.

Жиноят ишини қўзғатиш воситаларини учта тури фаркланади:

1) жиноят-процессуал қонунчилигида жиноят белгилари ҳақида етарли маълумотлар йиғиш воситалари, жумладан: тушунтириш олиш; ҳужжатларни талаб қилиш; кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда ҳодиса жойини кўздан кечириш.

2) амалиётда ишлаб чиқилган ва суриштирув органларида кенг қўлланиладиган воситалар: тафтиш ўтказиш тўғрисидаги талаб; ҳужжат ва буюм (предмет)ларни олиб қўйиш;

3) жиноят-процессуал қонунчилигидан ташқари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган воситалар, тадбирлар: тезкор-қидирув фаолияти; суд-тиббий гувоҳлантириш; организмдаги алкоголь ва наркотик моддалар миқдорини аниқлаш бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган гумон қилинувчи шахсларни гувоҳлантириш; маъмурий олиб қўйиш (МЖТК); экспертиза ўтказиш; гумон қилинувчи ва бошқа шахсларнинг мулкӣ ва молиявий аҳволи, молиявий-иқтисодий фаолияти устидан дастлабки текширувни тайинлаш.

1.2. Жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб ва асослари институтининг вужудга келиши ва ривожланишининг тарихи

Жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб ва асослари институтининг вужудга келиши ва ривожланишининг тарихибир неча босқичларни ўтиб келган.

Жиноят ишини қўзғатиш институти шаклланиш тарихига назар

соладиган бўлсак, уни Россия босқини натижасида рус ҳукумати томонидан қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг таркибида шакллантирилган совет республикалари ҳудудига татбиқ этилганлиги билан боғлашимиз лозим.

1922 йил 25 майда биринчи Собик Иттифок Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинган. Унинг “Жиноят иши бўйича иш юритишни қўзғатиш” деб номланган 7-бўлим 2-бобида жиноят ишни қўзғатиш институти нормалари келтирилган.

Мазкур нормаларда жиноят ишини қўзғатиш сабаблари, асослари ва тартиби, жиноят содир этилганлиги ҳақидаги аризаларга қўйиладиган талаблар, жиноят ишини қўзғатишга ваколатли органлар белгиланган. Ўз навбатида қуйидагилар жиноят ишини қўзғатишга асос сифатида белгиланган: фуқаролар ва турли ташкилотларнинг аризалари, ҳукумат муассасалари ва мансабдор шахсларнинг маълумотлари, айбига иқрорлик ҳақидаги арз, суриштирув, тергов органлари ва суднинг бевосита жиноятни аниқлаши, прокурорнинг тақдимномаси (ЖПК 96-моддаси). Ўз навбатида аноним хабарлар улар бўйича суриштирув органи томонидан яширин дастлабки текширув ишлари олиб борилганидан сўнг жиноят факти аниқланганида жиноят ишини қўзғатиш учун асос сифатида хизмат қилган (ЖПК 98-моддаси).

Шунингдек, судлар, прокурорлар, терговчилар, суриштирув органлари томонидан жиноятлар ҳақидаги аризалар, хабарларни қабул қилиш мажбурияти белгиланган (99-модда). Бироқ, бунда қилмишда жиноят белгиларини аниқлаш мақсадида аризалар, хабарлар бўйича текширув ўтказиш лозимлиги белгиланмаган. Шу боис терговни бошлаш ҳақидаги қарор фақатгина келиб тушган ариза асосида қабул қилинган²⁵.

Ўз навбатида қуйидагилар терговолди текширув усуллари ҳисобланган: материаллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш, керакли маълумотга эга бўлган шахсларни сўроқ қилиш, жамоат вакиллари орқали ариза ва

²⁵ Власова Н.А. Первоначальный этап уголовного процесса по законодательству дореволюционной России и зарубежных стран // Проблемы предварительного следствия и дознания. Сб. науч. трудов. М., 2001. Б. 48.

шикоятларни текшириш, текширув ишларини олиб бориш. Бироқ, жиноят ишии қўзғатиш ва жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорларни тегишли тартибда расмийлаштириш талаб этилмаган. Бунда сабаблар ва асослар бўлганда терговчи ёки суриштирув органи тергов ёки суриштирувни бошлашган. Амалда жиноят ишини қўзғатиш жиноят ҳақидаги аризаларга резолюция қўйиш ёки жиноят ишини қўзғатиш сабаби, асоси ва қилмишнинг квалификацияси келтирилган қарор қабул қилиш йўли билан расмийлаштирилган.

Шунингдек, жиноят ишини қўзғатишни тартибга солувчи нормалар ЖПКнинг бошқа моддаларида ҳам белгиланган. Жумладан, “Асосий қоидалар” бўлимида жиноят ишини юритишни истисно этадиган ҳолатлар, жабрланувчининг шикояти асосида қўзғатиладиган хусусий ва хусусий-оммавий айбловлар бўйича жиноят ишини қўзғатиш масалалари тартибга солинган (ЖПКнинг 10,11-моддалари).

Собиқ Иттифоқнинг 1923 йил 15 февралдаги Жиноят-процессуал кодексининг янги таҳририда жиноят ишини қўзғатиш институти олдинги таҳрирдагига нисбатан ўзгаришларга учрамаган.

Бироқ, кейинги даврларда, яъни 20-йиллар охири 30-йиллар бошларида сиёсий омиллар таъсирида Жиноят-процессуал кодексида белгиланган жиноят ишини юритишнинг кўплаб тартиблари ортиқча қоғозбозлик сифатида эътироф этилиб, жиноят ишини қўзғатиш институти қоидаларига ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритилган. Хусусан, адлия халқ кўмитасининг 1929 йил 5 июлдаги циркулярида жиноят ишини қўзғатишда махсус қарор қабул қилмасдан жиноят содир этилганлиги ҳақидаги аризага тегишли резолюция қўйилиши билан чекланиш таклиф этилган. Бироқ, кейинчалик жиноят иши бўйича иш юритишнинг дастлабки босқичларида қўпол қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги боис жиноят ишини қўзғатишда қонунийликка ва бунинг асослилигига риоя қилишга эътибор кучайган. Мазкур масалалар 1934 йилги суд ва прокуратура ходимларининг биринчи Бутуниттифоқ йиғилишида эътироф этилиб, унда циркулярлар билан

соддалаштирилган ЖПКнинг жиноят ишини қўзғатиш бўйича тартибларига катъий амал қилиш лозимлиги таъкидланган.

Бу борада мазкур тартибнинг миллий жиноят процессуал қонунчилигимизда ҳам мавжудлиги эътиборга молик.

Юқорида қайд этилганлар асосида таъкидлаш мумкинки, жиноят ишини қўзғатиш институти 1922 йилги Жиноят-процессуал кодексининг қабул қилиниши билан шаклланган, яъни илк маротаба жиноят ишларини юритиш масалаларининг кодификацияланиши натижасида жиноят ишини қўзғатиш масалалари ҳам жиноят процессидаги алоҳида институт сифатида шакллана бошлаган. Ўз навбатида 1922 йилги ЖПКда ўзига хос камчиликлар ҳам мавжуд бўлган. Масалан, жиноят содир этилганлиги ҳақидаги аризалар ва хабарларни текширишни белгиловчи норма мавжуд бўлмаган. Жиноят ишини қўзғатишнинг махсус қарор билан расмийлаштирилиши белгиланмаган. Бироқ, бу камчиликлар кейинчалик ваколатли органларнинг номатив ҳужжатлари асосида бартараф этилган.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганидан сўнг суд ва тергов органлари фаолияти ҳарбий қонунлари асосида белгиланиб, бу ўз навбатида жиноят ишини қўзғатиш масалаларида ҳам ўзига хос ўзгаришларга олиб келган. Жумладан, Олий Президиумнинг 1941 йил 22 июндаги “Ҳарбий ҳолат тўғрисида”ги Фармони билан “Ҳарбий ҳолат эълон қилинган ҳудудлар ва ҳарбий ҳаракатлар ҳудудларидаги ҳарбий трибуналлар тўғрисида”ги Низом қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ уруш эълон қилинган барча ҳудудларда ҳарбий трибуналларга тегишли жиноятлар сони оширилган. Ҳарбий трибуналларга мудофаага, жамоат тартибига ва давлат хавфсизлигига қарши жиноятлар бўйича жиноят ишини қўзғатиш ваколати берилган. Ҳарбий трибуналлар терговига тегишли бўлмаган жиноятлар бўйича жиноят ишини қўзғатиш ва тергов олиб бориш илгаригидек, 1923 йилги ЖПК қоидалари асосида олиб борилган.

Ҳарбий даврда алоҳида тоифадаги шахсларга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш маълум хусусиятларга эга бўлган. Масалан, прокурорлар,

терговчилар, давлат аҳамиятидаги корхоналар раҳбарлари ва маълум давлатлар фуқаролари томонидан содир этилган жиноятлар бўйича жиноят ишини қўзғатиш учун юқори турувчи прокурорнинг санкциясини олиш талаб этилган.

Иккинчи жаҳон уруши нихоясига етганидан сўнг ҳарбий даврда қабул қилинган қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотиб, илгариги ЖПК қоидалари амал қила бошлаган.

Урушдан сўнг суд-тергов соҳасидаги қонунийликни таъминлаш мақсадида 1955 йил 24 майда Собиқ Иттифокда прокурор назорати тўғрисидаги Низом қабул қилинган. Мазкур ҳужжат прокуратуранинг мавқеини ошириш билан бирга суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятида қонунлар ижросини назорат қилиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаб берган. Жиноятларнинг тергов қилинишини назорат қилувчи прокурор тергов органларининг ноқонуний ва асоссиз қарорларини, шу жумладан, жиноят ишини қўзғатиш ёки жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорларини бекор қилиш ваколатига эга бўлган (Низомнинг 19-моддаси).

1960 йилнинг октябрида Жиноят-процессуал кодекси қабул қилиниб, 1961 йил 1 январдан кучга кирган.

Мазкур ЖПКда қуйидагилар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлган: фуқароларнинг мурожаатлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг хабарлари, касаба уюшмалари, комсомол ташкилотлари, жамоат тартибини сақлаш бўйича халқ дружиналари, ўртоқлик судлари ва бошқа жамоат ташкилотлари хабарлари, нашрда чиққан хабарлар, айбини бўйнига олиш ҳақидаги тилхат, суриштирув, тергов, прокурор, судья ва суд томонидан бевосита жиноятнинг аниқланиши.

Мазкур ЖПКнинг ўзига хос жиҳати шунда бўлганки, унда жиноят ҳақида келиб тушган аризалар ва хабарлар бўйича текширув ўтказилиши мумкинлиги белгиланган. Олдинги ЖПКда бундай қоида мавжуд бўлмай, фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноят ҳақидаги барча

аризалар ва хабарларни қабул қилиш мажбурияти белгиланган. Янги ЖПКда бундай аризалар ва хабарлар бўйича текширув ўтказиш муддати улар қабул қилинган кундан бошлаб уч суткадан ортиқ бўлмаслиги, алоҳида ҳолларда эса ўн суткадан ортиқ бўлмаслиги белгиланган²⁶.

Шунингдек, тушунтиришлар олиш ва зарур материалларни сўраб олиш бундай текширувнинг усуллари сифатида белгиланган. Жиноят иши қўзғатилгунга қадар тергов ҳаракатларини амалга ошириш белгиланмаган. Бироқ, кейинчалик амалиётда иш бўйича терговнинг дастлабки босқичида асосли қарорлар қабул қилиш учун воситаларнинг етарли эмаслиги маълум бўлиши оқибатида 1963 йили Собиқ Иттифок ЖПКнинг 178-моддаси 2-қисмига тегишли ўзгартиш киритилган бўлиб, унга асосан жиноят иши қўзғатилгунга қадар кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда воқеа жойини қўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказилиши мумкинлиги белгиланган.

Жиноят ишини қўзғатилгунга қадар материалларни тайёрлашнинг баённома шакли жиноят ишларини қўзғатишнинг алоҳида тартибини белгиланган. Суриштирув органлари томонидан содир этилган жиноятнинг ҳолатларини ва жиноятчи шахсини аниқлашга қаратилган текширув ҳаракатлари олиб борилган. Баённома орқали иш юритиш асосида тўпланган материаллар асосида суриштирув органининг бошлиғи маълумотлар етарли бўлганида жиноят ишини қўзғатган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қабул қилинган янги Жиноят процессуал кодексимизда ҳам жиноят ишини қўзғатишни тартибга солувчи олдинги ЖПКдаги аксарият нормалар сақланган бўлсада мустақиллик йилларида мазкур институтни ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор ўзгартиришлар ҳам киритилган.

Жиноят ишини қўзғатиш институтининг такомиллаштирилишини хронологик тартибда таҳлил қилганда дастлаб Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-181-сонли Қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 241¹-модда (Жиноятни ҳисобга олишдан

²⁶Артемова В.В. Возбуждение уголовного дела как уголовнопроцессуальный институт: Дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.09. М.: РГБ, 2006. Б.34.

қасддан яшириш) киритилганлигини қайд этиш ўринли. Мазкур модда асосида миллий жиноят қонунчилигимизда жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига кирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яширганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланди ва бу билан содир этилаётган жиноятларнинг латентлик даражасини камайтириш, юқорида кўрсатилган мансабдор шахсларнинг мансаб ваколатини суистеъмол қилиши орқали жиноятларнинг латентлик даражаси ошишининг олди олинишига катта қадам қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрдаги ЎРҚ-335-сонли Қонуни билан ЎЗР ЖПКнинг 321-моддаси ва бир қатор моддаларга судларнинг жиноят ишини қўзғатиш ваколатини бекор қилувчи ўзгартиришлар киритилганини қайд этиш лозим.

Президентимиз И.А. Каримов ислохотлар тўғрисида билдирган куйдаги фикрлари жуда тўғридир. “Умуман олганда, ислохотларимизнинг негизига чуқурроқ назар ташласак, улар инсоннинг турмуш даражасини яхшилашга, халқ фаровонлигини оширишга йўналтирилганини кўрамыз. Ана шу олий мақсадни рўёбга чиқариш учун тер тўкиб ишласак арзийди.

Инсон - бизнинг энг катта бойлигимиздир. Декон - ер юзидаги барча ноз-неъматларни яратувчидир, табиатга ва заминга гўзаллик бағишловчидир”²⁷.

Мазкур ислохот биринчи навбатда жиноят ишлари судлар томонидан қўзғатилганида дастлабки тергов тугаганидан сўнг кейинчалик айнан шу суднинг жиноят ишини ҳал қилишида ҳолислиги, бетарафлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилди. Боиси жиноят ишини қўзғатган суд томонидан ўша жиноят иши ўша суд томонидан кўрилиши суднинг ҳолислигига таъсир кўрсатиши, ўз навбатида бу каби жиноят ишларида оқлов ҳукмларининг камдан-кам ҳолларда чиқарилишига олиб келиши мумкин.

Ўз навбатида юқоридаги Қонунга асосан ЎЗР ЖПКнинг 417-моддасида

²⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. —Т.: «Ўзбекистон», 2011, — Б. 327.

агар суд тергови вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилиши, агар суд тергови вақтида бида туриб ёлгон кўрсатув берган гувоҳ, жабрланувчи ёки бида туриб нотўғри хулоса берган эксперт ёхуд бида туриб нотўғри таржима қилган таржимон томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд ҳукм чиқарганидан сўнг жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилиши белгиланди.

Мазкур ўзгартириш одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ёлгон гувоҳлик бериш, эксперт томонидан бида туриб нотўғри хулоса бериш ёки таржимоннинг нотўғри таржима қилиши ҳолатлариининг олдини олишга қаратилди.

Таъкидлаш лозимки, тарихан жиноят ишини юритиш фаолиятига татбиқ этилган жиноят ишини кўзғатишга оид қонунчилик нормалари мустақилликка эришгунимизгача бўлган давр мобайнида маълум ўзгаришларга учраган бўлсада уларни сезиларли ўзгаришлар деб бўлмайди.

Мустақиллик йилларида эса жиноят ишини кўзғатиш институтини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш йўлида миллий жиноят-процессуал қонунчилигимизга бир қатор ўзгартиришлар киритилган. Мазкур ислохотлар содир этиладиган жиноятларнинг латентлик даражасини камайтиришга, фуқароларнинг ноҳақ айбланишининг олдини олишга ҳамда одил судловнинг амалга ошишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган омилларни бартараф этишга қаратилганини таъкидлаш мумкин.

1.3. Жиноят иши кўзғатилгунга қадар ўтказиладиган тергов ва процессуал ҳаракатлари

Жиноят иши кўзғатилгунга қадар ўтказиладиган тергов ва процессуал ҳаракатлари ЖПК билан тартибга солинади. Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар келиб тушганидан сўнг амалга ошириладиган процессуал

ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этади. Боиси улар асосида олинган далилларга таяниб, кейинчалик жиноят ишини қўзғатиш ёки жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

Бу борада А.Х.Раҳманкуловнинг фикрича, “терговга қадар текширув давомида қуйидагилар аниқланиши лозим:

- жиноят ҳодисасининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;
- агарда жиноят ҳолати мавжуд бўлса айнан қандай турдаги жиноят содир этилганлиги;
- жиноятнинг қачон, қаерда, қандай усул билан содир этилганлиги;
- кимга, қандай шаклдаги ва қанча миқдордаги зарар етказилганлиги;
- жиноят содир этилиши қайси усули, уни содир этишда қандай воситалар қўлланилганлиги;
- жиноятнинг ким томонидан содир этилганлиги, жиноятнинг мақсади ва сабаблари ва ҳоказо”²⁸.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига асосан кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда жиноят иши қўзғатилишидан олдин тергов ҳаракатлари ўтказилиши мумкин. Ушбу тергов ҳаракатларига қуйидагилар киради: 1) ҳодиса жойини кўздан кечириш; 2) экспертиза ўтказиш; 3) ушлаб туриш (процессуал мажбурлов чораси).

Жиноят иши қўзғатилгунга қадар бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ҳодиса содир бўлган жой жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам кўздан кечирилиши мумкин (ЖПК 137-моддаси иккинчи қисми). Бу ҳолда кўздан кечириш ўтказилгандан сўнг кечи билан етмиш икки соатда, алоҳида ҳолларда эса, ўн кун ичида жиноят ишини қўзғатиш ҳақида ёки қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда

²⁸ Раҳманкулов А.Х., Миразов Д.М. Дастлабки тергов: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 157-б.

аввал ушбу ҳодиса жойида бўлган барча объектлар уларнинг ҳолатини ўзгартирмасдан кўздан кечирилади. Кўздан кечиришда жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчиларнинг иштирок этиши терговчи томонидан ҳал этилади.

Агар жиноят таркибига кирувчи аломатлар аниқланган бўлса, 72 соатдан кечиктирмасдан шу тергов ҳаракати ўтказилгандан сўнг жиноят ишини кўзғатиш керак бўлади, Ҳавқулодда вазиятларда эса ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан кейин 10 кун мобайнида жиноят иши кўзғатилиши масаласи кўрилади. Ҳавқулодда вазиятлар – табиий офат сабаб оқибатларини бартараф этиш жараёнида жиноят содир этилган бўлса; жиноят содир бўлган жой экологик жиҳатдан одам ҳаётига хавfli ва у ерда яшовчи аҳоли бошқа жойга кўчирилган бўлса; агар ҳодиса содир бўлган жойда катта фалокат юз берса ва уни кўздан кечириш учун бир неча кун талаб қилинса; агар ҳодиса жойини кўздан кечириш пайтидан ушбу тергов ҳаракатининг қатнашчиларига тажовуз қилиниб, бирор-бир шахс ўлдирилса ёки оғир жароҳатланган бўлса; агар ҳодиса жойини кўздан кечириш катта куч ва воситаларни талаб қилса ва катта майдонга тарқалган бўлса; агар уюшган жиноятчи гуруҳлар ишчи ишлар органларининг ходимларига ёки мунтазам ҳарбий қисмларга узоқ вақт қуролли қаршилиқ кўрсатиши ёки бир неча жойда давлат, жамоат ёки хусусий иморатларни портлатиш, қурол ишлатиш, фуқароларни ўлдириш билан террорчилик ҳаракатлари содир этилаётган бўлса ва уларни бартараф этишга маълум вақт керак бўлса.

ЎзР ЖПК 180-моддаси иккинчи қисмига асосан, зарур ҳолларда экспертиза жиноят иши кўзғатилишидан олдин ҳам тайинланиши мумкин. Махсус билимсиз бир қатор аризалар ва жиноят тўғрисидаги маълумотлар бўйича қонуний ва асосланган қарорлар қабул қилиш мумкин эмас.

Иш юритув эса масалан, жиноят ишини кўзғатиш босқичидаги ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳар доим ҳам жиноят белгиларини кўрсатувчи етарли маълумотларни аниқлаш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қила олмайди.

Фан-техника, санъат соҳасида махсус билимларни қўллашга бўлган жиддий эҳтиёж жиноят ишларини қўзғатиш масаласини ҳал этишда вужудга келади. Масалан, экспертизасиз одатда, йўл-транспорт ҳодисаларида, тан жароҳати етказилганида жиноят белгиларининг мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиб бўлмайди. Жумладан, етказилган тан жароҳатининг даражаси, ўлим сабаблари, қуролларни сақлаш ва яшаш, қалбаки пул белгилари топилганида, расмни ҳақиқийси сифатида нусхасини олиб кетиш, наркотик моддаларни ўтказиш ҳақида мутахассис фикрини билиш зарур. Ушбу барча ҳолатларда махсус билимлар талаб этилади. Шунинг учун жиноят иши қўзғатишдан олдин экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг мақсади жиноий ишни қўзғатиш борасида мустаҳкам далиллар манбасини аниқлаш учун ёхуд шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузилишининг олдини олиш мақсадида жиноий ишнинг қўзғатилишини рад этиш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилиш учун жиноят белгилари тўғрисидаги барча мавжуд маълумотларни ашёвий далилларнинг илмий-тадқиқот изланишлари ёрдамида текшириш ҳисобланади²⁹.

Умуман олганда жиноят ишини қўзғатишдан олдин экспертиза ўтказиш ишдан манфаатдор бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир этмайди. Агар экспертиза барча процессуал талаблар асосида ўтказилса, ҳеч кимда норозилик туғилмайди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига қиёсий тадқиқотлар учун намуналар олиш билан боғлиқ бўлган идентификацион экспертизалар таъсир қилиши мумкин. Бироқ улар жиноят иши қўзғатилганидан сўнг ўтказилиши лозим, чунки уларнинг мақсади жиноят белгиларини аниқлаш эмас, балки у ёки бу шахснинг жиноят содир этишга алоқаси бор ёки йўқлигини аниқлашга қаратилган.

Жиноят ишини қўзғатишдан аввал ўтказиладиган процессуал мажбурлов чораларидан бири ушлаб туришдир. Милиция ходими ёки бошқа суриштирув органининг ходими, шунингдек муомилага лаёқатли ҳар қандай шахс жиноят иши қўзғатилгунча гумон қилинувчини ушлаб туриш ҳуқуқига

²⁹ Фронцефоров Ю., Николайченко В., Громов Н. Производство экспертизы до возбуждения уголовного дела // Российская юстиция. – 1991. – №7. – С. 22.

эга бўлган шахс сифатида тан олинади. Улар ушлаб олинган шахсни яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келишга ҳақлидир.

Н.А. Власованинг фикрича, ушбу босқичда амалга ошириладиган барча процессуал ва тергов ҳаракатлари ўзига хос хусусиятга эга³⁰.

Ушлаб туриш пайтида ушлаб турувчи шахс ушлаб турилган шахс томонидан қилинадиган қаршилик ва бошқалар учун хавф туғдирадиган ҳаракатларни бартараф этиш лозим. Ушлаб олувчи шахс зарур бўлган ҳолларда уни ушлаб олиш учун кўмакдош кучларни чақириш, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи билан алоқа боғлаши лозим.

Ушлаб олинган шахсни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига олиб келганда бўлган ҳолатни батафсил ёзма равишда ўз аризасида ёки сўроқ баённомасида қайд этиши, ушлаб туриш баённомасини тузганда шу ҳаракатда иштирок қилиш мажбуриятига эга бўлади.

Бундан ташқари ушлаб олинувчи шахсга ушлаб олувчи шахс жиноят содир этганлиги учун ушлаб олингангини билдириб, у билан яқин орадаги милиция органи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга бориши талаб қилиниши керак.

Бундай ҳолларда ушлаётган шахс ўзини таништириши ва ушланганнинг талабига кўра шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатиши шарт. Қуролсизлантириш – шахсни бевосита ушлаб олиш ва кўрсатадиган қаршилигини бартараф этиш чоралари билан амалга оширилади. Зарур бўлса, ушлаб олинган шахсни ушлаб олувчи шахс шахсий тинтув қилиш ва унда аниқланган объектларни олиб қўйишга ҳақли, аммо бу ҳаракатларни тегишли ваколатларга эга шахслар амалга ошириши мумкин. Ваколатли шахслар ва фуқаролар қонунга ҳилоф ёки асоссиз ушлаб турганлик ёхуд ушлаш вақтида ваколатлари доирасидан четга чиққанлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят процессуал қонунчилигимизда бир қатор ҳолатлар, жумладан,

³⁰ Власова Н.А. Первоначальный этап уголовного процесса по законодательству дореволюционной России и зарубежных стран // Проблемы предварительного следствия и дознания. Сб. науч. трудов. М., 2001. С. 48.

шахсларнинг аризалари; корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар; оммавий ахборот воситалари берган хабарлар; жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг бевосита ўзи аниқлаши; айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз, шунингдек, жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини кўзғатиш учун асос бўлиши белгиланган.

Шунингдек, жиноят ҳақидаги имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилган хат, ариза ёки бошқа аноним хабарлар жиноят ишини кўзғатиш учун сабаб бўла олмайди. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун 6-моддасига кўра, жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаатлар аноним мурожаатлар деб ҳисобланади³¹.

Ўз навбатида арз қилувчининг жиноят тўғрисида била туриб ёлғон хабар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилиши ҳам унинг фақат ҳақиқатни сўзлашига ундайди. Сабаби унинг ишлатмоқчи бўлган ёлғони ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан фош этилиши ва бунинг натижасида жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлигидан кўрқади.

Шунингдек, арз қилувчи сўзидан баённомада ёзиб борилаётганда ортиқча гаплар қўшилмаслиги ёки қайсидир гаплар қайд этилмасдан қолдирилишининг олдини олиш мақсадида баённомада жиноят содир этиш ҳолатлари хусусидаги маълумотлар арз қилувчи номидан, иложи борица сўзма-сўз акс эттирилиши лозимлиги белгиланган.

³¹ Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни Тошкент ш., 2014 йил 3 декабрь, ЎРҚ-378-сонли. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда.

Сўнгги йилларда жиноят-процессуал қонунчилигимизга киритилган ўзгартишлар натижасида фақатгина жабрланувчининг аризаси асосида қўзғатилиши мумкин бўлган жиноятлар тури оширилганлигидан асосий мақсад аслида жиноят аломатлари бўлмасдан туриб сохта гувоҳларнинг ёлғон кўрсатмалари асосида жиноят ишини қўзғатилиши ҳолатларининг олдини олиш ҳисобланади. Шу боисдан шахсга, унинг шаъни, кадр-қимматига қаратилган жиноятлар бўйича жиноят ишини қўзғатишда асос сифатида ҳуқуқига тажовуз қилинган шахс, яъни жабрланувчининг ҳуқуқбузарга нисбатан чора кўриш ҳақидаги аризаси бўлиши шартлиги белгиланди. Мазкур ислохот ўз навбатида фуқароларнинг ноҳақ айбланишининг олдини олишга хизмат қилади.

Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар келиб тушганидан сўнг амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этади. Боиси улар асосида олинган далилларга таяниб, кейинчалик жиноят ишини қўзғатиш ёки жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

Шунингдек, ЎзР ЖПК 329-моддаси 2-қисмида модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкинлиги, терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилиниши белгиланган.

Бу борада таъкидлаш лозимки, жиноят иши қўзғатилгунга қадар амалга ошириш мумкин бўлган ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш жиноят содир этилганлиги ҳақидаги хабарлар бўйича текширув ўтказишда муҳим аҳамият касб этади. Сабаби улар асосида жиноят содир этилганлиги ҳақидаги хабарлар рост ёки ёлғонлиги масаласига аниқлик киритилади.

Аноним хабарлар тўғрисида тўхталиб кетган В.В. Голубевнинг фикрича, жиноят содир этилганлик ҳақидаги хабарларни тўғри ҳал қилиш

жиноят ишини очилишида муҳим аҳамият касб этади.³²

Жиноят ишини қўзғатишнинг аҳамияти жиддийлиги ҳамда бунда айбсиз шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишининг олдини олиш ҳамда содир этилган жиноятларнинг латентлигининг олдини олиш мақсадида ЖПКда прокурор суриштирувчининг, суриштирув органи бошлиғининг, терговчининг жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва иш қўзғатишни рад қилишга; суриштирувчининг, суриштирув органи бошлиғининг, терговчининг жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва айтилган вақтда иш қўзғатишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Ўз навбатида жиноят содир этганликда гумон қилинганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида прокурорнинг жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкинлиги, содир этилган жиноятларнинг аниқланмасдан қолишининг олдини олиш мақсадида суриштирувчи ёки суриштирув органи бошлиғининг, терговчининг иш қўзғатиш тўғрисидаги қарорининг прокурор томонидан бекор қилиниши устидан ҳам худди шундай тартибда шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланган. Шунингдек, суриштирувчининг, суриштирув органи бошлиғининг, терговчининг иш қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан прокурорга, прокурорнинг иш қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи прокурорга, суднинг ажрими устидан эса юқори судга шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланган.

³² Голубев В.В. Анонимные заявления: позитивный взгляд на негативное явление // Законодательство. 2003. № 3. С. 71.

II БОБ ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗҒАТИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ ВА ХОРИЖ АМАЛИЁТИ

2.1. Жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асослари

Жиноят иши қўзғатиш учун асос ва сабаб тури катта аҳамият касб этади. Жиноят ишини қўзғатишга сабаб – содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақида қонун билан белгилаб қўйилган ҳамда қонун юридик факт ҳисоблаган маълумотлар манбаидир. Сабаб – бу ариза ёки хабар эмас, балки уни ваколатли орган томонидан қабул қилиб олиш (аниқлаш) фактидир³³.

Ўзбекистон Республика ЖПК га асосан жиноят иши қўзғатиш учун: 1) шахсларнинг аризалари; 2) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар; 3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар; 4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор нинг бевосита ўзи аниқлаши; 5) айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади.

Шахсларнинг аризалари – бу жиноят иши қўзғатиш учун анча оммалашган сабабдир. Шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин.

Ёзма ариза арз қилувчи шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим³⁴. Оғзаки ариза баённомада қайд этиб ўтилади.

Аризани қабул қилиб олишда ёлғон маълумот берганлик учун жавобгарлик тушунтирилади ҳамда арз қилувчининг имзоси билан тасдиқланади.

Жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўлган шахсларнинг аризалари – ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига жиноят содир этилганлиги тўғрисида юборилган хабар бўлиб, ушбу хабар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи тегишли чораларни кўриши керак.

³³ Матусевич Г.В. Поводы и основание для возбуждения уголовного дела: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2004. – С. 12.

³⁴ Химичева Г.П. Рассмотрение милицией заявлений и сообщений о преступлении. М., 1997. С.6; Григорьев В.П. Возбуждение уголовного дела по новому УПК. Учебное пособие. М., 2002. С.3.

Аноним аризалар жиноят иши қўзғатишга сабаб бўлиб хизмат қила олмайди, улар фақат тезкор-кидирув фаолият орқали ёки бошқа транспорт йўл билан уларда мавжуд бўлган фактларни текширишга сабаб бўлади. Бу ҳаракатлар қачонки жиноят содир этилгани ёки унга тайёргарлик қўрилаётгани ҳақида маълумот кимдан, қачон ва қай йўсинда олингани бирор шубҳа туғдирса амалга оширилади. Жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлиб эса бу текшириш асосида олинган маълумотлар бўлиши мумкин.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлари – иш жараёни давомида ёки бошқа йўллар билан олинган жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги маълумотни ўзида муажжасам этса, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўлиб хизмат қилади. Масалан, идоравий ревизия ўтказилиб, турли суистеъмоллик фактлари аниқланди ва натижада муассаса раҳбари ревизия актини прокуратурага беради. Ушбу ҳолда жиноят тўғрисида берилган хабарлар хизмат хати ёки тасдиқланган телефонограмма, телеграмма ёхуд радиogramма шаклида бўлиши лозим (ЎЗР ЖПК 326-М). Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва мансабдор шахслар берган хабарларида жиноят белгилари очиқ кўриниб турган бўлиши лозим.

Жабрланувчининг шикояти асосида қўзғатилган жиноий ишлар бўйича корхона, муассаса, ташкилотлардан тушган ва ушбу жиноят ишига алоқадор, унинг содир қилиниши тўғрисида мавжуд бўлган дастлабки маълумотлар, агар айнан шу корхона муассаса ёки ташкилот жабрланувчи устидан хомийлик ёки васийлик ҳуқуқига эга бўлса, ушбу ишнинг қўзғатилишига сабаб бўлиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари берган хабарлар муайян жиноят тўғрисида матбуот, радио ва телевидение, ҳужжатли кинофильмлардаги, шунингдек оммавий ахборот воситаларига йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги хабарлар жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади.

Чоп этилгандан сўнг хат, мақола ёки маълумотнома жамият учун кенг тарзда ошкора этилган маълумот мақомига эга бўлади. Шунга асосан гарчи

муаллиф ишни қўзғатиш ваколатига эга бўлган органларга жиноят тўғрисидаги хабарни етказиш мақсади бўлмаса ҳам, у ҳоҳлайдими ёки йўқми уни чоп этган ахбороти жиноят иши қўзғатилиши учун сабаб сифатида тан олинади, айнан шу хусусиятга асосан бу сабаб жиноят ишини қўзғатиш сабабларга қараганда ажралиб туради, сабаби унда хабар қайд этилганда муаллифнинг хоҳишига қаралмайди ва тегишли давлат органлари ушбу хабарни жиноят иши қўзғатилиш мақсадида текшириши керак.

Жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг бевосита ўзи аниқласа, ушбу ҳолда дарҳол жиноят ишини қўзғатлиб, жиноятни очишга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилиши лозим.

Бу ҳолатга аниқлик киритиб М.Г. Ковалева, шундай дейди, “жиноят ишини қўзғатлиб, жиноятни очишга қаратилган ҳаракатлар фақат терговчи томонидан амалга ошириши лозим”³⁵.

Бу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки нафақат терговчи суриштирувчи ва прокурор ҳам ушбу йўналишда ҳаракат қилиш лозим.

Жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотларнинг бевосита аниқланиши қуйидаги ҳолларда жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлиши мумкин:

1) суриштирувчи маъмурий вазифани амалга ошираётганда ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича суриштирув ўтказиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

2) терговчи бошқа жиноятга доир иш бўйича дастлабки тергов юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

3) прокурор қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш пайтида ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича дастлабки тергов олиб бориш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида ва б.қ.

Айбини буйнига олиш ҳақидаги арз – ариза берувчининг ўзи содир этган жинояти тўғрисида у шу жиноятни содир этишда гумон қилинмасдан

³⁵ Ковалева М.Г. Возбуждение уголовного дела и обеспечение его законности и обоснованности. Дисс... канд. юр. Наук.: – СПб.: 2005, С.18.

ва унга айблов эълон этилмасдан олдин берган хабардир (ЖПК 113-моддаси). Айбни буйнига олганлик ҳақидаги арз – бу жиноят содир қилган шахснинг шахсий аризаси ҳисобланиб, ушбу ҳолатда ҳозир бўлганнинг шахси аниқланади ва баённома тузилади. Унда хабар берган шахснинг содир қилган жинояти батафсил ёритилади ҳамда аризани қабул қилиб олган шахс томонидан имзоланади.

Терговчилар, суриштирув органлари ҳамда прокурорлар ўз ваколатлари доирасидаги ҳудудда узоқ вақт мобайнида очилмай қолган кўпгина жиноятлар борасидаги айбига иқдор бўлишини ошириб баҳолайдилар. Бу нотўғри, чунки айбига иқдор бўлиш ҳолатини синчковлик билан текшириш лозим бўлади³⁶. Айбини бўйнига олган шахс балки жиноят ишини ёпишдан манфаатдор бўлган шахслар томонидан мажбурланган бўлиши мумкин ва бунда ҳақиқий жиноятчи эркинликда қолади ҳамда жамият учун хавф туғдиради.

Жиноят ишини қўзғатиш учун асос – хабарда бирор жиноятнинг содир этилгани ёки унга тайёргарлик курилаётгани ҳақидаги маълумотдир.

Жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлади.³⁷

Бу маълумотда жамоат учун хавфли хатти-ҳаракат, унинг батафсил баёни, ким, қачон, қаерда, қандай шароитларда жиноят содир этгани, жиноятнинг оқибати, исбот-далиллар тўла кўрсатилган бўлиши шарт эмас.

Жиноят иши қўзғатиш асослари – шахсларнинг аризаларида қайд этилган жиноят тўғрисидаги маълумот манбаларига алоқадор бевосита кулга киритилган жиноят аломатлари бор ёки йўқ эканлиги фактлари бўлиб, айнан шу фактларга асосан суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради.

Олинган хабарда жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар ҳамда содир этилган (ёки тайёрланаётган)лиги ҳақидаги

³⁶ Гуценко М.Ф. Уголовный процесс. - М.: Зерцало, 2007. - С. 156.

³⁷ Якимович Ю.К., Пан Т.Д. Досудебное производство по Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации (участники досудебного производства, доказывание, возбуждение уголовного дела, дознание и предварительное следствие). СПб., 2003. С. 96-97.

маълумотларнинг йўқлиги жиноят ишини қўзғатишни рад этади. Агар шахсни ҳаракатларида жиноят белгилари борлиги ҳақида хабар берилса, лекин ушбу ҳаракатлар ҳақиқатда содир этилганлиги ҳақида маълумот бўлмаса, жиноят ишини қўзғатиш учун асос мавжуд бўлмайди.

Асосларга эътибор бермасдан жиноят тўғрисидаги маълумотга кўра жиноят ишини қўзғатиш ҳолларида жиноят иши асоссиз қўзғатилганлиги ва ғайриқонуний тарзда дастлабки тергов олиб борилганлиги намоён бўлади. Бундай ҳолат ушбу дастлабки терговда жавобгарликка тортилган шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларини бевосита чеклаб қўйиб, уларга нисбатан ғайриқонуний равишда тергов олиб борилганлиги тўғрисида далолат бўла олади ва бундай дастлабки тергов натижалари жавобгарликка тортилган шахсларни оқлаш учун бевосита асос бўлади.

Жиноят процессининг ушбу босқичида мансабдор шахслар ёки органлар содир этилган жиноят ҳақида тўла ва аниқ маълумотларга эга бўлмайдилар. Уларнинг ихтиёрида жиноят процессининг кейинги босқичларида текширилиши зарур бўлган, арз қилувчининг асослантирилган тахминлари бор ҳолос. Шунинг учун жиноят ишини қўзғатиш вақтида жиноят содир этилганлиги ҳақида тулик ишонч бўлмаслиги мумкин.

Жиноят ишини қўзғатишга асос бўлиб жиноят белгилари ҳақида дастлабки хулоса ҳисобланади. Шунга қарамасдан ушбу хулоса аниқ маълумотлар асосида чиқарилиши керак. Жиноят ишининг тахминлар асосида қўзғатилиши мумкин эмас.

2.2. Жиноят ишини қўзғатишнинг процессуал тартиби ҳамда уни такомиллаштириш

Жиноят ишини қўзғатишни процессуал тартибга солишда қонун чиқарувчи қонуний ва асослантирилган жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш учун асос ва сабабларга дастлабки баҳо беришни кўрсатиб ўтади. Шу билан бирга жиноят ишини қўзғатишга бўлган сабабларнинг ишончлилиги ва мақбуллилигини, шу жумладан жиноят

белгиларини кўрсатиб турувчи фактик маълумотларни етарлилигини инобатга олиши керак.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг аризалари, шунингдек мансабдор шахсларнинг маълумотлари, баъзан “содир этилган” жиноят ҳақида ёлгон маълумотларни ўз ичига олади, бу эса жиноий иш юритувининг тугатилишига олиб келади³⁸.

Жиноят ҳақидаги имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс томонидан ёзилган хат, ариза ёки бошқа аноним (хабарлар) характерга эга бўлган аризаларни алоҳида эътибор берган ҳолда текшириш ва баҳолаш лозим, чунки бундай хабар ва аризаларга асосланган ҳолда жиноий ишни қўзғатишга йўл қўйилмайди. ЖПКнинг 321-моддаси суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноят содир этганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят ишини қўзғатиш шарт деб кўрсатади. Жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқи фақат суруштирувчи, терговчи, прокурорга берилган. Суд одил судловнинг холислигини таъминлаш мақсадида ушбу ваколатли субъектлар доирасидан чиқарилди.

Бу қоида тергов бўлими раҳбарларига, прокурор ўринбосари ва ёрдамчиларига ҳам тааллуқли. Ҳуқуқни химоя қилиш идораларида хизмат қилувчи бошқа шахслар жиноят аломатларини аниқлаб қолсалар, бу ҳақда тегишлича суруштирувчига, терговчига, прокурорга хабар беришлари лозим.

ЎзР ЖПКнинг 322-моддасида назарда тутилган сабаб ва асослар мавжуд бўлган тақдирда жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида суруштирувчи, терговчи, прокурор қарор чиқаради. Қарорда: ишни қўзғатиш учун сабаб ва асослар, Жиноят кодексининг жиноят иши қўзғатилган жиноятни назарда тутувчи моддаси, ишни уз юритувига олувчи мансабдор шахс кўрсатилади.

Суриштирувчи, терговчи жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорнинг нусхасини ишнинг тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириш лозим бўлган прокурорга юборади.

³⁸ Гуценко М.Ф. Уголовный процесс. Учебное пособие. – М.: Зерцало, 2007. – С. 156.

Иш қўзғатилгандан кейин узоққа чўзилган жиноятларнинг олдини олиш ва жиноятлар такрорланишига йўл қўймаслик, шунингдек иш учун аҳамияти бўлиш эҳтимол тутилган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва қўриқлаш юзасидан дарҳол чоралар кўриш лозим.

Жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарор уч қисмдан: кириш, тавсиф ва хулоса қисмлардан иборат. Кириш қисмида қарор қачон, ким томонидан, қаерда чиқарилганини, тавсиф қисмида жиноят ишини қўзғатиш учун асос ва сабаблар кўрсатилади, хулоса қисмида жиноят кодексининг қайси моддаси аломатлари бўйича жиноят иши қўзғатилаётганлиги, унинг кейинги ҳаракати ҳақидаги маълумотлар қайд этилади.

Суриштирув органи ёки терговчининг жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарори прокурор томонидан тасдиқланмайди, лекин бу қарорнинг нусхаси унга юборилиши шарт. Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноятга оид маълумотлар олинган ёки бундай маълумотларни бевосита ўзлари аниқлаган ҳар бир ҳолда қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилади: жиноят ишини қўзғатиш ҳақида; ишни қўзғатишни рад қилиш ҳақида; ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида.

Агар жиноят белгиларини кўрсатиб турувчи етарли маълумотлар олинган бўлса, текширувни амалга оширган навбатчи ёки бошқа милиция ходими милиция бошлиғи номига билдирги тузади. Билдиргида жиноят ҳақидаги маълумотлар қандай йўл билан олинганлиги, уни содир этилиш ҳолатлари ва ЖКнинг қайси моддаси билан квалификация қилинганлиги, моддий зарар миқдори; гумон қилинувчилар ва гувоҳлар; далиллар манбаи бор ёки йўқлиги ва ҳужжатларнинг терговга ёки суриштирувга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида асослантирилган хулосалар аниқ кўрсатилади.

Кўпчилик ходимлар текширув натижалари ҳақида умуман яқуний ҳужжатлар тузишмайди. Яқуний ҳужжатларнинг тузилмаслиги амалиётда турли хил салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Мансабдор шахсларнинг текширув натижалари устидан жавобгарлиги пасаяди, ички ишлар органи

бошлигининг ҳужжатларни ҳал қилиш борасидаги фаолияти сусаяди³⁹. Шунинг учун текширув натижасида топилган жиноят белгиларининг ҳар бир ҳолатда милиция хизматчиларим якуний ҳужжат (билдирги ёки хулоса) тузишлари борасида идоравий тартибда қоида ва кўрсатма белгилаб қўйилиши керак.

Ўз навбатида Ф.Раҳимов жиноят ишини қўзғатиш жиноят процессининг дастлабки ва алоҳида босқичи эканлигини таъкидлаган⁴⁰.

Текширув ҳужжатлари ва билдирги ички ишлар органи бошлиғига тақдим қилинади. Унинг ёзма кўрсатмасига кўра, ҳужжатлар ва олиб келинган шахс ички ишлар идораси навбатчилик қисмидаги воқеа, ҳодисаларни ҳисобга олиш китобига дарҳол қайд этилиши керак ва жиноят ишини қўзғатиш ва гумон қилинувчи сифатида шахсни ушлаб туриш масалаларини ҳал қилиш учун тайинланган терговчи ёки суриштирувни олиб боровчи шахсга топширилади. Терговчи ёки суриштирув органи ходими оператив навбатчидан олган материалларни тезда баҳолайди, зарур ҳолларда қўшимча текширув ўтказиш мумкин ҳамда жиноят ишини қўзғатиш ишини ҳал қилади. Бир вақтнинг ўзида шахсни жиноят содир этганликда гумон қилинувчи сифатида ушлаб туриш учун асос ва сабаб бор ёки йўқлигини аниқлайди. Жиноят иши қўзғатилгандан кейин №1-рақамли шаклдаги жиноятни аниқлаш бўйича карточка тўлдирилади. Карточка жиноят ишини қўзғатган шахс томонидан тўлдирилади ва имзоланади. Суриштирув органи томонидан қўзғатилган жиноят иши ушбу орган бошлиғи томонидан тасдикланиши керак.

Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор (ажрим) қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1) асослантирилган, унда маълум шахс томонидан (агар бу шахс ҳақида маълумот бўлса) маълум жиноят содир этилганлигига гувоҳлик берувчи фактик маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак;

³⁹ Григорьев В.Н. Задержание подозреваемого. – М.: Учебно-консультационный центр «Соринфор», 1999. – С. 146.

⁴⁰ Раҳимов Ф. Дастлабки тергов: асос ва умумий шартлар // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. №3 (03), 2010. 40-б.

2) қабул қилинган (аниқланган) қарорда содир этилган жиноят ҳақида муқобил эмас, балки аниқ хулоса берилиши керак;

3) қонуний, процессуал қонуннинг аниқ нормаларига мувожаат этиши лозим.

Терговчи, прокурор ёки суриштирув олиб бораётган шахс жиноят ишини қўзғатиш билан бир вақтда жиноятни олдини олиш чораларини кўришга ёки тўхтатишга, жиноят изларини мустаҳкамлашга, гувоҳларни аниқлаш, ашёвий далиллар ва муҳим бўлган ҳужжатларни олиб қўйишни амалга ошириш учун зарур чоралар кўриши керак.

Аризани (хабарни) терговга тегишлилигига қараб юборишга ушбу туман (шаҳар) ҳудудидан ташқарида содир этилган жиноят ҳақида хабар берилган ва жиноят ишини қўзғатиш ишини ҳал қилиш учун текшириш ҳаракатларини жиноят содир этилган туманда (шаҳарда) ўтказиш зарур бўлган ҳоллардагина йўл қўйилади (ЎЗР ЖПК 335-модда).

Агар мансабдор шахс ишни ўзи кўриб чиқмайдиган жиноят ҳақидаги ариза(хабар)ни олиб, жиноятни олдини олиш, унга барҳам бериш, шунингдек унинг изларини қайд этиш бўйича бирон-бир ҳаракат ўтказган бўлса, у амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида олинган ариза ёки хабар юборилаётган орган ёки мансабдор шахсни хабардор қилиши лозим.

Агар жиноят изларини тергов йўли билан аниқлаш ва мустаҳкамлаш билан тезда жиноят олдини олиш чораларини қўллаш зарурияти туғилса ҳамда бу ҳолат кечиктириб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлса, суриштирув органи ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишлари зарур. Сўнгра кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга оширадилар ва ундан кейингина ишни тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборадилар⁴¹.

Жиноят тўғрисидаги аризани (хабарни) терговга тегишлилигига қараб юборилганлиги ҳақида арз қилувчи хабардор қилиниши керак. Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор чиқарилгандан кейин ишни: 1) прокурор –

⁴¹ Якупов Р.Х., Голузо В.Н. Уголовный процесс. Учебное пособие. – М.: Зерцало, 1999. – С. 220.

иш бўйича ЎзР ЖПК 345-моддасига асосан дастлабки тергов олиб бориш учун терговчига ёки суриштирув олиб бориш учун суриштирув орган бошлигига юборади ёхуд ўзи дастлабки терговни юритишга киришади; 2) терговчи – дастлабки тергов юритишга киришади ва бу ҳақда дарҳол прокурорни хабардор қилади; 3) суриштирув органининг бошлиғи – ишни суриштирув ўтказиш учун суриштирувчига юборади ёки ўзи суриштирув юритишга киришади ва бу ҳақда дарҳол прокурорни хабардор қилади; 4) суриштирувчи – суриштирув юритишга киришади ва бу ҳақда дарҳол прокурорни хабардор қилади. Прокурор муайян жиноят иши бўйича дастлабки терговни бошидан охиригача шахсан ўзи олиб бориши мумкин. Прокурорнинг жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

Айбни оғирлаштирмайдиган ҳолатларда номусга текканлик ва жинсий эҳтиёжни зўрлик билан ғайритабиий усулда қондирганлик тўғрисидаги жиноят иши (УзР ЖК 118-моддасининг биринчи қисми ва 119- моддасининг биринчи қисми) айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосидагина қўзғатилади. Жабрланувчи ночор ахволда бўлганлиги туфайли, айбланувчига қарам бўлганлиги ёки бошқа сабабларга кўра ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини шахсан узи ҳимоя қила олмайдиган ҳолларда қонун прокурор жабрланувчининг аризасисиз ҳам жиноят ишини қўзғатиши шарт. Прокурор томонидан қўзғатилган иш дастлабки тергов ёки суриштирув учун юборилади.

Жиноят процессуал қонуни (ЖПК 325-м) юқорида айтиб ўтилганидек, прокурорга ЖКнинг 109-110 моддаларига жиноят белгилари бўйича жиноят ишини жабрланувчининг аризаси йўқ бўлган тақдирда ҳам қўзғатиш ҳуқуқини берган.

Ушбу жараённинг хусусияти, иш жабрланувчи ва айбланувчи ярашганлиги учун тугатилмайди.

Курилиб турибдики, қонун прокурорга хусусий айблов ишларига аралашувини чегаралаб белгилаган. Лекин амалиёт шуни кўрсатиб

турибдики, бу соҳада ҳамма нарса аниқ эмас, табиий савол туғилади. Қандай белгилар ишнинг алоҳида жамоат мавкеига эга эканлигини аниқлайди, жабрланувчининг уз ҳуқуқларини химоя қила олмаслигини қандай ҳолатлар белгилайди?

Бу саволларга жавобни суд-тергов амалиёти аниқлаштириш керак. Лекин бу ерда ҳам ҳамфикрлик йўқ.

Афсуски Олий суд инстанциясининг бу тўғрисида қарорлари йўқ. Бу тоифадаги ишлар асосан биринчи инстанция судларида қурилиб, кассация ва назорат инстанцияларида бу ишларни қурилиши ҳам учрайди. Лекин бу масала муҳим аҳамиятга эга. Бу жиноятчилик ахволини кўрсаткичига боғлиқ. Одам улдириш жиноятини мотив ва мақсадларини анализи шуни кўрсатадики, улар кўпинчатаниш билиш, оила аъзолари, яқин дустлар, қўшнилари орасида содир этилади. Ваҳоланки бу жиноятга уруш-жанжаллар, туполонлар, ҳақоратлар ва улдириш билан қўрқитиш таъсир этади. Лекин ички ишлар органлари ҳуқуқбузарларни бундай ҳаракатларга жавобан олдиндан таъсир кўрсатмаганлар, бунинг натижасида эса одам улдириш ва бошқа оғир жиноятлар содир этилишига сабаб бўлган.

Юқоридаги жиноятлар таркибини (кийнаш, одам улдириш билан қўрқитиш, соғлигига оғир тан жароҳати етказиш) "профилактик моддалар" деб аташ бежиз эмас, чунки уларни кенг қўллаш бошқа оғирроқ жиноятларни олдини олишга имкон беради.

ЖПКнинг 325-моддаси таркибида прокурорлар томонидан қўзғатилган ишларнинг анализи шуни кўрсатадики, улар асосан қонунга асосланиб тўғри қўзғатилган, лекин шу билан бирга кўп ишларда ишнинг алоҳида жамоат мавкеига эга эканлиги тўғрисида асослар мавжуд бўлмасдан 385-моддага ҳавола этилган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Прокурор жабрланувчининг аризасисиз жиноят ишини қўзғатганда ишнинг алоҳида жамоат мавкеига эга эканлигини асослантириши керак. Асосан бу ҳуқуқбузарни шахсига боғлиқ. Бизнинг фикримизга қуйидаги ҳолатларда иш алоҳида жамоат мавкеига эга деб қурилиши керак:

- ҳуқуқбузар олдин маъмурий, жиноий жавобгарликка тортилган дейлик, спиртли ичимликлар, наркотик моддалар истеъмол қилади;

- ҳуқуқбузар ва жабрланувчи битта оилага мансуб (ёки кариндош, кўшни), кўп жанжаллашади, бунинг натижасида оғиррок жиноят содир этилиши мумкин.

- ҳуқуқбузар енгил тан жарохати етказишда пичок ва бошқа совук куроллар ишлатса, бу албатта унинг ижтимоий хавлилигини кучайтиради.

- ҳуқуқбузарлик жамоат жойида содир этилса, жабрларнувчи ожиз ахволда бўлиб, уз ҳуқуқларини химоя эта олмаслик ҳолатларга қуйидагилар киради;

- жабрланувчи кекса ёшда булишлиги, касал булиши (ноғирон ёки рухий касал); айбланувчидан қўрқиши (унга моддий ёки хизмат доирасида карам бўлса ёки бошқа сабаларда унга карам бўлса) вояга етмаган бўлса.

Лекин жиноят ишини қўзғатишда ишнинг алоҳида жамоат мавқеига эга эканлиги хусусида ва айбланувчини шахси хусусидаги маълумотлар прокурорда бўлмаслиги мумкин, кўпинча бундай маълумотлар тергов жараёнида аниқланади.

Бундан ташқари, жиноят иши жиноят кодексининг бошқа моддаси билан (безорилик, соғлиққа оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш) қўзғатилиши ҳам мумкин, Ушбу моддалар тергов давомида прокурорнинг алоҳида жамоат мавқеига эга эканлиги ва жабрланувчининг ҳуқуқларини химоя қилиш керак деган хулосаси билан айблов моддаларига қайта квалификация қилиниши мумкин. Лекин бундай ҳолатларда агарда иш прокурор томонидан қўзғатилган бўлса ва жабрланувчи (айбланувчи) бир бири билан ярашган бўлса иш тугатилиши керак.

Агарда иш ЖКнинг 105-модда 1-қисми (соғлигига ўртача оғир шикаст етказиш)да кўрсатилган тартибда прокурор томонидан ишнинг алоҳида жамоат мавқеига эга бўлганлиги учун қўзғатилган бўлса, жабрланувчининг аризаси йўқлиги туфайли у тугатилиши мумкин эмас. Агар прокурор терговчига иш қўзғатиш тўғрисида ёзма кўрсатма берган бўлса ва ишнинг

алоҳида жамоа мавқеига эга эканлиги хусусида асослаб келтирилган маълумотлар бўлса, бунда ушбу ҳолат прокурорнинг хусусий айблов ишларини қўзғатилишига тенглаштирилади. Бунда прокурорнинг ваколатини кенгайтириш лозим. Прокурор сўнги ҳолатда ўз қарорини алоҳида қарор (масалан қайта квалификация қилишда) сифатида расмийлаштириши мумкин ёки терговчига ёзма кўрсатма сифатида расмийлаштириши мумкин.

Айбланувчининг ҳаракатларини квалификация қилиш қийин бўлган ҳолларда (одам улдиришга суиқасд қилиш ёки енгил тан жароҳати етказиш, безорилик) ЖКнинг 109-110-моддалари асосида прокурор томонидан жамоат мавқеига эга эканлигини ва жабрланувчи ўз ҳуқуқларини ҳимоя эта олмаслик фактларини кўрсатган ҳолда қўзғатишлиши керак. Кейинчалик янги ҳолатлар очилиши билан айбловни қайта квалификация қилиш мумкин.

Айниқса бу жабрланувчи ва айбланувчи ярашиш мумкин бўлган ҳолатларда муҳим аҳамият касб этади.

Бундай ҳолатлар ҳам кузда тутилиши мумкин, яъни прокурор ўз қарори билан дастлабки жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарорни рад қилади (масалан оғир тан жароҳати енгил тан жароҳати бўлиб чиқса) ва енгил тан жароҳати етказилганлиги бўйича асослар келтирилган ҳолда жиноят ишини қўзғатади.

Даставвал, жиноят ишини қўзғатиш учун қонуний сабаб ва етарли асос бўлиши керак.

Жиноят ишини қўзғатишга асос бўлмаган тақдирда ҳам иш юритувни истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, прокурор, терговчи, суриштирув органи ва суд (судья) жиноят иши қўзғатишини рад этади.

Бу ҳақда қарор (ажрим) чиқарилганидан сўнг, жиноят содир этганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс хабардор қилинади. Бунда уларга қарор ёки ажрим устидан шикоят қилиш ҳуқуқлари ва тартиби тушунтирилиши лозим.

Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарорда ҳар бир берилган ҳодиса нима учун юз берган ёки унда жиноят таркибининг йўқ деб

топилганлиги акс эттирилиши, шунингдек иш бўйича иш юритишни истисно қилувчи ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Бундай қарорни қабул қилишда қарорни чиқарган мансабдор шахс мустақил ҳаракат қилиши лозим. Бу уларни қабул қилган қарорга нисбатан маъсулиятини оширади.

Жиноят иш кўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор процессуал акт сифатида маълум бир талабларга жавоб бериши керак. Жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги қарор сингари, у ҳам асослантирилган, тўла, қонуний, аниқланган ва маълум мақсадга қаратилган бўлиши керак.

Жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқароларга жиноят ишини рад этиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқини тушунтирилади. Бу талабларни бажармаслик асослантирилмаган жиноят ишини кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорларга нисбатан фуқаролардан, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг шикоят ва аризаларини қўпайишига олиб келади⁴².

ЖПК 83-моддасининг 1 ва 2-бандларида ҳамда 84-моддасининг биринчи қисмида назарда тўтилган ҳолатлар аниқланган тақдирда жиноят ишини кўзғатиш рад қилинади. Ушбу ҳолатлар жиноий иш бўйича иш юритувни истисно қилувчи асосларни барчасини акс эттирмайди. Унинг руйхати фақат шундай асосларни берадики, уларни куллаш :

а) ҳам ишни кўзғатишни рад этишда, ҳам иш бўйича юритувни тугатиш мумкин;

б) барча тергов ва суд органлари ваколатига киради;

в) жазони бошқа чоралар билан алмаштириш масалалари билан боғлиқ бўлмайди⁴³.

1. Жиноят ҳодисасининг мавжуд эмаслиги (иш кўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича);

Жиноят иши кўзғатишни рад этиш учун жиноий ҳодисанинг (масалан, қотиллик, қамомад, яъни улдирилган деб ҳисоботланган шахс ҳаёт эканлиги;

⁴² Научно-практический комментарий УПК РСФСР под.ред. Л.Н.Смирнова, 1990, с-9

⁴³ Научно-практический комментарий УПК РСФСР под.ред. Л.Н.Смирнова, 1990, с-9

камоматнинг сабаби ҳисобот-китобнинг хатоси эканлиги ва бошқалар) юз бермаганлиги асос бўлиб ҳисоботланади; ўз-ўзини ўлдириш ҳолатида, бахтсиз ҳодиса, авария ва бошқа ҳолатларда-агар аризачининг жиноят содир этилганлиги ҳақидаги маълумотлари текширув материаллари бўйича уз тасдиғини топмаслиги ва бу (ҳаракат) ҳодиса жабрланувчининг уз ҳаракатлари натижасида содир бўлганлиги.

Умуман жиноий ҳодиса юз бермаганлиги шахсни оқлаш учун асос борлигини кўрсатади.

2. Содир этилган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса, яъни қилмиш содир этилган бўлса ҳам:

а) у қонунда жиноят сифатида тан олинган бўлмаса;

б) у қонунда жиноят сифатида тан олинган бўлсада, аммо шахснинг ҳаракатида на туғри, на эгри касд ва на эҳтиётсизлик бўлмаса, яъни жиноятнинг субъектив томони аниқланмаган бўлса;

в) жиноий ҳаракат содир этилган бўлсада, жамоат учун хавфли ва гайриқонуний белгиларга эга бўлмаса (масалан, айбланувчи зарурий мудофаа ҳолатида ҳаракат қилган бўлса), бу ҳолларда ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан шахсни оқлаш учун асослар мавжуд бўлиб, суд бу шахсга нисбатан ЖПКнинг 464-моддасига биноан оқлов ҳукмини чиқаради ва 529- моддасига асосан уни суд залидан озод этади. Булардан ташқари муомалага лаёқтсиз шахс томонидан ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилиши, қилмишнинг кам аҳамиятлилиги ва шу билан боғлиқ ҳолда ижтимоий хавфнинг йўқлиги ҳамда жиноят таркибини келтириб чиқармайди.

Шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса- жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетганлик тушунчаси ва муддатлари ЖКнинг 64-моддасида белгилаб қўйилган.

Шахсни жавобгарликка тортиш муддати уз кучини йўқотиши жиноят содир этилган пайтдан, яъни жиноят тулик содир этилгандан сунг ўта бошлайди ва бу муддат ЖКда кўрсатилган жазонинг муддати ва турига боғлиқдир.

Агар жиноят содир этган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахс тергов ёки суддан яширинган бўлса муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Айбдор ушланган ёки айбини буйнига олиб арз қилган кундан муддатнинг ўташи қайтадан тикланади.

Умуман, муддати ўтиб кетганлик деганда, жиноятни содир этиш вақтидан бошлаб қонунда кўрсатилган шароитларда муддат ўтаганлиги боис шахснинг жиноий жавобгарликдан озод булиши тушунилади⁴⁴.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 64-моддасига кўра, агар шахс жиноят содир этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлар:

- а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб — уч йил;
- б) унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб — беш йил;
- в) оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб — ўн йил;
- г) ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб — ўн беш йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган.

Агар жиноят ишини қўзғатиш босқичида шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, жиноят иши қўзғатилмайди.

Эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;

Амнистия уз ижтимоий мохиятига кўра муайян жиноятларни содир этган шахсларнинг муайян тоифасини авф этишдир. Амнистия Ўзбекистон Республикаси Президенти қабул қиладиган норматив хусусиятдаги акт ҳисоботланади.

Айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;

Ушбу ҳолатда жиноят иши қўзғатишни рад қилиш учун асос мавжуд бўлади, лекин вафот этган шахсга нисбатан унинг яқин қариндошлари талаб қилганда тергов ўтказиш мумкин. Агар жиноий жавобгарликка тортилган

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шахслар. Т.: “Адолат”, 2012 й. Б. 97

шахс ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаса, жиноят ишини қўзғатиш рад этилади.

Шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний қучга кирган ҳукми бўлса;

Агар шахс илгари ҳам худди шу каби жиноятда гумон қилинган ёки у айбдор бўлиб, унинг ишини тугатиш тўғрисида суд ҳукм, ажрим ёхуд терговчи, прокурор қарор чиқарган бўлса, иш бўйича ҳеч қандай тергов ҳаракатлари олиб борилмайди ва жиноят ишини қўзғатиш рад этилади.

Шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний қучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса, ушбу жиноят иши қўзғатишни рад қилиш учун мустақил асос бўлиб, барча жиноий суд иш юритуви органлари учун мажбурий ҳисоботланмайди.

Иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса;

Ушбу ҳолат хусусий айблов ишларига мансубдир ҳамда жабрланувчининг хохиши билан боғланган.

Жумладан, жабрланувчи ЖПКда кузда тўтилган ҳолларда айбланувчи (гумон қилинувчи) билан ярашганда, агар жабрланувчига нисбатан ЖКнинг 118 ва 119-моддаларида кўрсатилган жиноятлар содир этилган бўлса, айбланувчи билан жабрланувчининг ярашганлиги жиноят ишини тугатиш учун асос бўла олмайди.

Шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тулмаган бўлса.

Жиноий жавобгарлик умумий қоидаларга асосан жиноят содир қилгунга қадар 16 ёшга тулган шахслар жавобгарликка тортиладилар. Истисно тарикасида қонунда белгилаб қўйилган (ЖК 17-м. 2 к) айрим жиноятлар учун 14 ёш белгилаб қўйилган. Қонунда белгилаб қўйилган муайян (шахсга) ёшга кирганлик шахснинг жиноий жавобгарликка тортиш

учун зарур бўлган шартлардан биридир. Жиноий жавобгарлик ёши қонун чиқарувчи томонидан ихтиёрий равишда белгиланмайди, балки шахснинг рухий-физиологик, ижтимоий рухий-жисмоний, ижтимоий-рухий ва социологик усиш даражасини, шунингдек криминологик мезонларни эътиборга олган ҳолда қабул қилинади. Шахснинг муайян ёшга етганлиги унинг туғилган кундан бошлаб эмас, балки кейинги куннинг бошланиши билан белгиланиши лозим. Башарти шахснинг ёшини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган ҳолларда экспертиза ўтказилиши зарур⁴⁵.

Ушбу ҳуқуқий нормани таҳлил қилишда шундай хулосага келиш мумкин, яъни қонунда жиноят ишини қўзғатишни рад қилишга юқорида таъкидлаб ўтилганидек, иккита мустақил асослар гуруҳи кўрсатиб ўтилган. Биринчи гуруҳ - "жиноят ишини қўзғатишда асоснинг йўқлиги" бўлса, жиноят ишини қўзғатишни рад қилишга асос бўлган иккинчи гуруҳ - "жиноий иш юритишни истисно қилиш ҳолатларнинг мавжудлиги" дир.

Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор устидан шикоят қилиш муддати муайян вақт билан белгилаб чекланмаган.

Келиб тушган хабарда жиноят ҳақида эмас, балки маъмурий, интизомий ёки бошқа ҳуқуқбузарлик ёхуд ахлоқ нормалари бузилганлик ҳақида махълумотлар бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд жиноят иши қўзғатишни рад қилиш билан бирга тегишли органга ҳамда давлат органи ёки мансабдор шахсга юборади (ЖПК 334м 1 к).

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш учун қонуний асос бўлиб жиноий юрисдикциядан ҳоли бўлган дипломатик дахлсизлик ҳисоботланади. Ушбу дахлсизлик аккредитация қилувчи чет эл давлати ушбу шахсни дахлсизликдан маҳрум қилмагунча ҳамда шахсни жиноий жавобгарликка тортишга розилик бермагунга қадар амалда бўлади⁴⁶.

2.3. Жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати

⁴⁵Якупов Р.К. "Уголовный процесс" М.Зерукало 1999. 217 бет.

⁴⁶ Иммунистете в Российском уголовном процессе. Под.ред В.Н.Галузо М: ТЕИС, 1998 28-56 бетлар.

Жиноят ишини қўзғатиш жиноий суд иши юритувининг муҳим ва зурурий босқичи ҳисоботланади.

Қонуний, асослантирилган ва уз вақтида жиноят ишини қўзғатиш жиноятни тез ва тўла очишда объектив ва ҳар томонлама тергов қилишнинг муҳим шартларидан бири ҳисоботланади. Ва аксинча, ноқонуний асослантирилмаган ҳамда кечиктириб чиқарилган жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарор жиноят иши бўйича далилларни йўқотишга, жиноят содир қилган шахсларнинг жазога тортилмаслигига (масалан хавфли жиноятлар, касддан одам улдириш, боскинчилик, угриликлар ва бошқ.) олиб келади.

Прокурор жиноят белгилари аниқланган ҳар бир ҳолатда жиноят ишини дарҳол қўзғатилишига асос ва сабалар бўлмаган тақдирда эса жиноят ишини қўзғатмасликка барча чораларни кўради.

Жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги устидан назорат олиб бораётган прокурор:

1. Суриштирувчининг, суриштирув органи бошлигининг, терговчининг жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва иш қўзғатишни рад қилишга;

2. Суриштирувчининг, суриштирув органи бошлигининг, терговчининг жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва айни вақтда иш қўзғатишга;

3. Иш қўзғатиш тўғрисидаги ёки иш қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан юқори судга протест беришга ҳақлидир.

Агар прокурор суриштирув органи ёки терговчининг жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарорини қонунга хилоф деб топса, у ушбу қарорни бекор қилиш ҳақида асослантирилган қарор чиқаради.

Прокурор ариза ва хабарларни текшириб чиқиш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги қонун бузилишларини аниқласа, дастлаб, суриштирув олиб бораётган шахс ёки терговчининг тушунтиришини эшитади, зарур ҳолларда

айбдор мансабдор шахсни интизомий жавобгарлиика тортиш масаласини куриб чиқади.

Тергов ҳаракатларининг ўтказишлиши иш бўйича дастлабки тергов ёки суриштирув бошланганлигини англатади. Шу боис прокурор иш бўйича тергов ҳаракатлари ўтказилгандан сунг жиноят ишини қўзғатишга асос ва сабаб йўқлигини аниқласа, у ишни тугатиш ҳақида кўрсатма беришга ҳақли.

Бутун дунёга узининг шафкатсиз котилликлари билан машхур А.Чикотило РФ прокуратораси томонидан тергов қилинди. У 20 йил мобайнида аёллар ва усмирларни ўта шафкатсиз равишда улдириб келган. Унга нисбатан 53 кишини улдирганлиги бўйича айб эълон қилинди. Бу жиноятчининг жазоланамасдан қолишининг сабабларидан бири болаларнинг йўқолиши бўйича жиноят ишини қўзғатишнинг уз вақтида амалга оширилмаганлигидир. Баъзи бир ҳолатларда ишлар касддан содир қилинган котилликнинг белгилари бўйича эмас, балки уйлаб топилган сабаблар бўйича қўзғатиларди. Бу ердан ушбу жиноят бўйича айбдорларни аниқлаш ва терговнинг бир мақсадга йуналтирилганлигининг йўқлиги келиб чиқади. Кўп ҳолларда жиноят ишлари бўйича тергов расман олиб бориларди ёки умуман олиб борилмасди, кўп ишлар иш юритувда асослантирилмаган ҳолда тўхтатиб қўйиларди, иш бўйича ашёвий далиллар йўқотиларди. 1984 йил жиноятчи ушланди. Чикотиланинг жиноят иши бўйича анализи айнан шундан гувоҳлик берадики, фақатгина уз вақтидаги ва тўғри жиноят ишини қўзғатиш ҳамда кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга ошириш жиноят иши бўйича терговни сифатли булишига, жиноятни тез ва тулик фoш қилинишга хизмат қилади. 15 октябрь 1992 йил у улим жазосига ҳукм этилди, ҳукм уз кучида қолдирилди.

Шунингдек, уйлаб қилинмаган, шошилиш жиноят ишини қўзғатиш натижасида асоссиз камокка олиш ва ушлаб туришларга, тинтув ва олиб қўйишларга, асослантирилмаган айблов эълон қилишга, бунинг натижасида фуқароларни ноқонуний ва асоссиз суд қилинишига олиб келади.

Асослантирилмаган ва ноқонуний жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорларни анча камайганлигига карамасдан суриштирув органлари ва терговчилар ҳали ҳам бир канча ноқонуний қарорлар қабул қилмоқдалар. Лекин уларнинг кўпчилиги прокурорлар томонидан рад қилинмоқда.

Агар тергов жараёнида жиноят таркиби ва ҳодисаси йўқлигидан 10 % жиноят ишлари тугатилса, жиноят ишларининг маълум қисми қонунда талаб қилинган ёшга етмаганлик сабабли тугатилади. Бундай ҳолатларни жиноят ишини қўзғатиш вақтида қийинчиликсиз аниқлаш мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш масалаларини ҳал қилишдаги етишмовчиликлар ҳақида жиноят ишлари бўйича оқланган ҳукмларнинг сонини анча кўпайиши гувоҳлик беради, чунки уларнинг кўпчилиги асослантирилмаган тарзда қўзғатилгандир⁴⁷.

Судларнинг оқлов ҳукм чиқаришлари ва юқори суд инстанцияларининг жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ажримлари барча ҳолатларда ноқонуний ва асослантирилмаган жиноят ишини қўзғатиш билан боғлиқ деб таъкидлаш тўғри бўлмайди. Айбловни далилий томонларининг узгартириш ҳолатлари ҳам кўп учрайди. Бироқ кўп ҳолатларда судларнинг юқорида айтиб ўтилган қарорлари суриштирув ва тергов органларининг жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорларини нотўғри чиқарганликлари билан боғлиқ бўлади.

Асослантирилмаган жиноят иши қўзғатишларини процессуал натижаларини баҳолашда судлар томонидан қўшимча терговга юборилаётган жиноят ишларини узишга аҳамият бериш керак. Бу ишлар бўйича оқлов ҳукм чиқариш керак бўлса ҳам уларнинг кўпчилиги судлар томонидан қўшимча терговга қайтарилади. Чунки прокурорлар билан муносабатини "бузмаслик" учун, судлар оқлов ҳукм чиқариш урнига жиноят ишларини терговга қайтариш тўғрисида ажрим чиқарадилар. Бундай ишларнинг кўпчилик қисми реабилитация асосларига (тугатилган) кўра, айримлари бирор-бир тергов ҳаракатларини олиб бормасдан туриб тугатилган.

⁴⁷ Басков В.И. Прокурорский надзор // Юридический мир. – 2008. – № 12. – С. 160.

Тергов жараёнида айбланувчини жиноят содир этганликда иштироки исботлаланмаганлиги боис тугатилган ишларнинг аксариятини тахлил қилиш шуни кўрсатдики, бундай ишларнинг кўпчилиги (уз вақтида шошма-шошарлик билан қўзғатилган) уларни қўзғатишга бўлган асос ва сабабларни чуқур тахлил қилмасдан қўзғатилган. Иш юритув бўйича тўхтатиб қўйилган жиноят ишларининг аксарият қисмини урганиш, уларнинг маълум қисми асослантирилмаган тарзда қўзғатилганлигини кўрсатади.

Жиноят ишини қўзғатиш жиноят процессининг мустақил босқичи ҳисоботланади. УзР ЖПК да жиноят ишини қўзғатишга махсус 41-боб ажратилган. Унда жиноят ишини қўзғатишга асос ва сабабларни қонуний тартибга солиш, жиноят ишини қўзғатиш ва қўзғатишни рад этиш тартиби, шулар бўйича процессуал ҳаракатларни амалга ошириш кўрсатиб ўтилган. Махсус 338-модда эса жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги устидан прокурор назоратига багишланган. Жиноят ишини қўзғатишни етарли даражада тўла ҳуқуқий ёритилиши бу босқичнинг муҳим процессуал аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Шунга қарамайдан баъзи терговчи ва прокурорлар нафақат бу босқичнинг процессуал аҳамиятини, балки сиёсий аҳамиятга эга босқич эканлигини ҳисоботга олишмайди. Ушбу босқич шахс ҳаёти ва дахлсизлиги конституцион принципларига риоя қилиш билан, бошқа томондан жиноят процессининг содир этилган жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принциплари билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Прокурор прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, божхона, солиқ ва солиққа оид жиноятларга қарши кўрашиш Департаменти томонидан жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни куриб чиқиш ҳамда ҳал қилишда суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширишда жиноят процессуал қонунларида белгиланган тартибга риоя этиш, улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширади. Прокурор содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, руйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш

тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини узулуксиз текшириб боради. (ҳар ойда камида бир марта).

Шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, енгилроқ жиноий жавобгарликни кўрсатиб турувчи қонунга мурожаат қилинади. Бу ҳолат, кўпроқ суриштирув органлари ходимларининг ўта хавфли жиноятларини, масалан гувоҳлар йўқлигида касддан одам улдиришни рўйхатга киритилишини беркитишга ҳаракат қилишларида қўзғатиш мумкин. Шифохонага фуқаро пичок оркали етказилган кўп сонли жароҳатлар билан олиб келинди. Врачлар унинг ҳаёти учун кўрашяпдилар. Лекин иккинчи куни у оламдан ўтаяпти, котилнинг исми эса номаълум. Терговчини олдида қуйидаги вазифа туради: агар УзР ЖК 97-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноят белгилари бўйича жиноят иши қўзғатиш ва айбдор шахсни аниқлаш ҳамда жиноятни очиш.

Бу ҳолатда терговчи бошқа йўл тўтади: у жиноят ишини УзР ЖКнинг 104-моддаси касддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида улимга олиб келиш) билан қўзғатади. Жабрланувчининг иккинчи куни оламдан ўтиши бунда анча кул келади, врачларнинг унинг ҳаёти учун кўрашганлари ҳисоботга олинмайди. Агар УзР ЖК 104-моддада кўрсатилган жиноят очилмай колса, терговчи прокурор олдида унга каттик жавоб бермайди. Котилликларнинг кўпчилиги шу йўл билан рўйхатга олиш оркали беркитилади.

Жиноят ишини қўзғатишга асос бўлмаган тақдирда терговчи ёки суриштирув олиб бораётган шахс ҳамда прокурор жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор чиқаради (УзР ЖПК 333-м). Ушбу қарор процессуал акт сифатида жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор сингари маълум бир талабларга жавоб бериш керак. Жумладан, асослантирилган, тўла қонуний булиши керак. Қабул қилинган қарор ҳақида содир этилган жиноят ҳақида хабар ёки ариза берган фуқаролар, жамоат ташкилотлари хабардор қилинади. Лекин амалиётда ушбу қонун талабларига ҳар доим ҳам риоя қилинмайди. Шахсларга жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарор устидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилмайди. Манфатдор

шахслар қабул қилган қарор ҳақида, қачонки ушбу органларга узлари берган ариза ёки хабарни такдирини билиш учун мурожаат қилганларида билишади. Ушбу қонун бузилишларини олдини олиш учун ва қонун талабларини бажариш учун жавобгарликни белгилаш мақсадида идоравий тартибда прокурор назоратини урнатиш фойдадан холи бўлмасди.

Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорнинг қонунийлиги ва асослантирилганлигининг янада ишончли кафолати бўлиб прокурорнинг тасдиғи ҳисоботланади.

Жиноят иши қўзғатиш ва уни рад қилишнинг қонунийлиги ва асослантирилганлиги мохият жихатидан жиноий суд иш юритувининг ушбу босқичида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг тўғри ташкиллаштирилиши билан боғлиқ бўлади.

Умуман жиноят ишини қўзғатиш босқичида прокурор назоратини икки жихатдан куриб чиқилиши лозим:

а) прокурор томонидан жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорнинг қонунийлиги ва асослантирилганлигини текшириш;

б) прокурор томонидан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорнинг қонунийлиги ва асослантирилганлигини текшириш.

Прокурорнинг ушбу фаолият доиралари бир бири билан узвий боғлиқ булиши керак.

Терговчи ёки суриштирув органи томонидан чиқарилган жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор дарҳол прокурорга юборилади. Бу прокурорга содир этилган жиноят ҳақида хабардор булиш, уни очиш ва тергов қилиш жараёнига дарҳол қўшилиш имконини беради⁴⁸.

Келиб тушган қарорни ва ушбу қарорни чиқариш учун асос бўлган ҳужжатларни диққат билан куриб чиқиб, прокурор нафақат ушбу процессуал ҳужжатнинг қонунийлиги ва асослантирилганлигини белгилайди, балки тергов органларининг жиноятни тез ва тулик очиш бўйича иш юритувини тўғри йўлга солади.

⁴⁸ Басков В.И. Прокурорский надзор // Юридический мир. – 2008. – № 12. – С. 167.

Бироқ баъзи прокурорлар жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор нухасини олиб, уни қонунийлиги ва асослантирилганлигини текширмасдан автоматик равишда прокуратура девонхонасига юборадилар.

Агар прокурор жиноят ишини асоссиз қўзғатилганлигига ишонч ҳосил қилса (жиноят таркиби, ҳодисасининг мавжуд эмаслиги), у уш қарори билан терговчи ёки суриштирув органи чиқарган қарорни бекор қилади ва жиноят ишини қўзғатишни рад этади.

Бундай ҳолатларда, айникса, агар қилмишининг фактик ҳолатлари низоли характерга эга бўлса, прокурор қоида бўйича суриштирув органи ёки терговчининг жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорни чиқарилишига асос бўлиб хизмат қилувчи барча ҳужжатлар билан танишиб чиқиши лозим. Қонуннинг яққол бузилганлигини аниқлаган ҳолатда прокурор ҳужжатларни талаб қилиб олмасдан ҳам, бундай қарор чиқаришга ҳақли (жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги, гумон қилинувчининг қонунда белгилаб қўйилган ёшга етмаслиги, кам аҳамиятли, қилмиши ва бошқалар)

Агар жиноят иши суд томонидан ноқонуний ёки асоссиз қўзғатилган бўлса, прокурор УЗР ЖПК 337-моддасида белгиланган тарзда суднинг ажрими устидан юқори судга протест беришга ҳақли.

Терговчи ёки суриштирув олиб бораётган шахс жиноят иши қўзғатгандан кейин бирор бир тергов ҳаракатини амалга оширган бўлса (тинтув, олиб қўйиш, сурок қилиш, ҳодиса жойини куздан кечиришдан ташқари), прокурор эса жиноят ишини қўзғатишни ноқонуний асоссиз деб топса, у уш қарори билан иш юритув бўйича жиноят ишини тугатади ҳамда бу ҳақида тергов органларига хабар беради.

Бизнинг фикримизча қонун чиқарувчи жиноят ишини қўзғатиш процессуал актига катта аҳамият бериши керак. Шу борада ушбу процессуал актларнинг қонунийлиги ва асослантирилганлиги устидан суриштирув органлари ва ички ишлар тергов булимлари (бошқармалари) бошликлари ҳамда прокурор назоратини янада кучайтириш мақсадга мувофиқ буларди.

Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорнинг қонунийлиги ва асослантирилганлиги устидан назоратни ташкил қилишда, прокурор ушбу қарорни қабул қилишга асос бўлган процессуал ҳаракатлар комплекси бўйича қонунларнинг бажарилишини текшириш лозим.

Амалиётчи ва назарийчи ҳуқуқшунослар фикрича: "Жиноят ишини қўзғатишни рад этишнинг қонунийлиги ва асослантирилганлиги устидан назоратга нисбатан прокурор ҳаракатлари уз ичига қуйидагиларни олади: а) жиноят ишини қўзғатишга монелик қиладиган ҳолатларни белгилаш учун амалга ошириладиган чораларнинг қонунийлиги; б) жиноят ҳақидаги ҳужжатларни куриб чиқиш ва қарорлар қабул қилишнинг қонунда белгиланган муддатларга риоя қилиш; в) жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорнинг асослантирилганлиги; г) қабул қилинган қарорни процессуал расмийлаштиришнинг тўғрилиги; д) жиноят процессуал қонунининг жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган талабларини бажариш⁴⁹".

2.4. Жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асослари юзасидан хорижий тажриба

Бир қатор МДХ давлатларида жиноят ишини қўзғатиш институти Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги каби тартибга солинган. Бироқ бир қатор Европа давлатларида ушбу институтдан воз кечилган.

Норвегия Жиноят процессуал кодекси 1981 йилда қабул қилиниб, кучга кирган ва 1998 йилнинг 17 июлида унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. Ушбу Жиноят процессуал кодекси Скандинавия ярим оролининг бошқа давлатлари (Швеция, Финляндия) жиноят процессуал қонунларига нисбатан кейинроқ ишлаб чиқилганлиги унда кўпгина ҳозирги замон жиноят процессуал ҳуқуқи ютуқларини ўзида мужассам этишига асос бўлган дейиш мумкин. Қонун 11та бўлим ва 483та моддадан иборат. Бу қонунда жиноят ишини қўзғатиш алоҳида ажратилмаган.

⁴⁹ Рачинский М.Ю., Рябцев В.П., Трубин Н.С. "Прокурорский надзор за соблюдением требований закона при учёта и разрешении заявлений и сообщений о преступлениях" М. 1997. Б.55.

АҚШда жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асослари ҳақида алоҳида сўз юритилмаган. Кўп ҳолларда жиноят ишини қўзғатиш масаласи тинтув тергов ҳаракати билан уйғунлашиб кетган.

АҚШнинг тинтувни ўтказиш назарда тутилган қонунларини ўрганиш ҳам қизиқарли. 1791 йилда «Билл қонунлари»га киритилган IV тузатишда қуйидаги қоида келтирилган: «Халқнинг шахси, мулки, ҳужжатларининг дахлсизлиги асосланмаган қамоққа олиш ва тинтувларда бузилмаслиги даркор. Ҳар қайси ордер етарли асослар бўлган тақдирда, қасамёд билан, тантанали ариза билан берилиши лозим. Бу ордерда тинтув қилинадиган жойга, шахсга, нарсга ва қамоққа олинувчига тўла таъриф келтирилиши лозим.» Тинтув қилишга ордер махсус тайинланган судья-магистрат томонидан берилади. АҚШда магистратлик ҳукуқи барча федерал судларнинг судьяларига берилган. Тинтув қилишни амалга ошириш учун ордер берилиши учун умумий талаблар АҚШ қонунлар тизимининг №205 «Жиноят ва жиноят процесси» бобининг 18 бўлимида 11 параграфда келтирилган. Тинтув қилиш тўғрисидаги ордер берилишининг талаблари 9-бобдаги «Қўшимча ва махсус процессуал ҳаракатлар» нинг 41 қоидасида ифодаланган. Тинтувни амалга ошириш қоидаларидан бирозгина чекиниш топилган ҳамма маълумотларни қонунсиз деб топилишига олиб келади.⁵⁰

М.А.Пешков ўзининг «АҚШ жиноят процессида қамоққа олиш ва тинтув» номли китобида 1972 йилдаги Эдвардс ишини мисол қилиб келтиради. Суд Эдвардснинг ахлат ташланадиган контейнеридан тинтув қилиш учун ордерсиз топилган марихуананинг идишини далиллар қаторига кирмаслигини таъкидлади, чунки Эдвардс ўзига тегишли бўлган ахлат ташланадиган контейнернинг ичидаги нарсалар ҳамма учун сир бўлиб қолишини тахмин қилган.

Бу ишдан Америка қонунчилигида мустаҳкамланган «правейси» - «шахсларнинг осойишталигини бузмаслик ҳукуқи» тушунчаси яққол намоён бўлади. Бу тушунча биринчи бўлиб 1890 йилда америкалик юристлар

⁵⁰ Пешков А.М. Арест и обыск в уголовном процессе США. М., Спарк, 1998 г. С. 7-10.

С.Уоррен ва Л.Брайндслар томонидан илгари сурилган. Бу терминнинг ўзига мос эквиваленти бошқа тилларда йўқ.⁵¹

АҚШнинг жиноятчилик тўғрисидаги қонунларида тинтувнинг зиддиятли томонлари бор. Масалан, шахсий тинтув вақтида ҳамён, аёллар сумкачаси, портфель ҳам текширилиши мумкин. Лекин катта ўлчамли буюмлар, яъни чемодан ёки контрабас солинадиган ғилоф каби буюмларни тинтув қилиш учун махсус ордер олинishi талаб этилади. АҚШ Олий суди бу қоидаларни бузиш ҳолларида қаттиқ чоралар кўради.

АҚШ суд амалиётида полиция ходимининг тинтув ўтказиладиган объект (бино, автомобиль, сумка) эгасидан розилик олиши ҳам назарда тутилган. Бу Тинтувни қонуний деб топилиши учун қуйидаги уч шарт бажарилган бўлиши керак:

1. Розилик ҳақиқий бўлиши лозим. Агар розилик кўрқитиш, куч ёки ёлғон ишлатиш оқибатида олинган бўлса, у ихтиёрий деб баҳоланмайди ва юридик аҳамиятга эга бўлмайди.

2. Розилик беришга фақатгина мулки тинтув қилиниши керак бўлган шахс ҳақлидир. Бошқа шахсларнинг (қўшниси, боласи, энага ва ҳ.к.) розилиги эътиборга олинмайди.

3. Мулк эгаси ҳар қандай шартлар билан тинтувга розилик беришга ҳақли, яъни биринчи қаватни тинтув қилишга рухсат бериб, иккинчи қаватга киритмасликка ва ҳ.к.

АҚШдаги шахсларни ушлаш чоғида шахсий тинтув қилиш тартиблари ҳам анча мунозарали. Полиция шахсларни ушлашда «у қуролланган», деб тахмин қилиши учун «ўринли шубҳа»га эга бўлиши керак. Қизиғи шундаки, қуролланган деб ўринли шубҳа остига олинган шахсдан топилган қурол топилмас, ундан олинган бошқа предметлар (наркотик моддалар ва бошқа ноқонуний воситалар) далилий аҳамиятга эга бўлмайди. Худди шундай предметлар давлат хизматида бўлмаган шахслар томонидан олинса, улар далилий кучга эга бўлади.

⁵¹ Пешков М.А. Арест и обыск в уголовном процессе США. - М.: Спарк, 1998. –Б..9,63.

Фавқулудда ҳолларда ордeрсиз тинтув қилишга полициячига ёки ён атрофдаги одамларга хавф туғилган ёхуд далиллар зудлик билан йўқотиб юборилиши мумкин бўлган ҳолларда йўл қўйилади.

Автомобилларда ўғирланган нарсалар, контрабанда, қурол ёки жиноят излари бор деган «ўринли асос» мавжуд бўлгандагина, улар тўхтатилиб, ордeрсиз тинтув қилиниши мумкин.

XX аср илмий-техника тараққиёти АҚШда тинтувнинг янги шаклига – электрон эшитиб туриш ва кузатишга асос солди. Эшитиб туриш учун ордeр олишнинг қуйидаги шартлари мавжуд: 1) маълум жиноят содир этилгани ёки унга тайёргарлик кўриладигани тўғрисидаги етарли асослар бўлиши ва бу ҳақда далилларни эшитиб туриш орқали қўлган киритиш мумкинлиги; 2) эшитиб туриш режалаштириладиган суҳбатлар рўйхати ордeрда аниқ кўрсатилиши; 3) эшитиб туришнинг вақт бўйича чегараланиши; 4) уларни узайтиришга фақат етарли асослар бўлганда йўл қўйилиши; 5) керакли далиллар олингандан сўнг, эшитиб туриш дарҳол тўхтатилиши; 6) ордeр олиш учун сўровнома фақат ёзма шаклда расмийлаштирилиши (кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар бундан мустасно); 7) ордeр бажарилгандан кейин, эшитиб турилган суҳбатларнинг батафсил баёни билан қайтарилиши лозим. Ҳар қандай эшитиб туриш ўзининг юридик оқибатларига кўра тинтувга тенглаштирилади, шунинг учун тегишли ордeр олмасдан бу ҳаракатни бажариш ноқонуний ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига юқоридаги давлатлар тажрибасини солиштирадиган бўлсак, Норвегия давлати қонунчилиги билан ўхшаш томонлари жуда кўп, фақат уларда жиноят ишини қўзғатиш бизнинг қонунчилигимизда аниқроқ кўрсатилган. Америка қонунчилигидаги «правейси» тушунчасига келсак, бу америкаликларнинг ўтган асрдаги яшаш шароитларидан келиб чиққан қоида ва уни бошқа давлатлар қонунчилигида тўғридан тўғри тадбиқ этиб бўлмайди.

Бир қатор Европа мамлакатлари (Австрия, Бельгия, Германия, Италия, Франция, ва бошқ.), АҚШ жиноят процессуал қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатдики, жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида ҳужжат(баённома, қарор) мавжуд эмас экан.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асослари мавзусига оид илмий асарлар, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, айрим хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ҳамда амалиёт материалларига асосланиб тадқиқ этиш натижасида битирув малакавий иши бўйича ўз хулосаларимизни қуйидаги икки қисмга бўлган ҳолда баён этдик:

1. Жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича таклифлар:

Биринчидан, Жиноят ишини қўзғатиш – бу жиноят ва жиноят процессуал қонунида белгиланган асос ва сабаблар мавжуд бўлганда ваколатли субъект томонидан амалга ошириладиган жиноят процессининг мустақил босқичидир.

Иккинчидан, Жиноят ишини қўзғатишга сабаб – бу муайян ҳолатни жиноят деб баҳолаш учун қонун билан белгиланган юридик фактларни ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан аниқланишидир.

Учинчидан, Жиноят ишини қўзғатиш учун асос – бу Жиноят кодексида жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг содир этилганлиги ёки уни содир этишга тайёргарлик кўрилаётгани ҳақидаги хабардир.

Тўртинчидан, илмий ва амалий нуқтаи назардан жиноят ишини қўзғатиш сабабларини таснифлаш жоиз:

1. Хабар берувчи субъектларнинг фаоллик даражасига кўра: актив (аризалар) ва пассив (ОАВ берган хабарлар),
2. Хабар берувчи субъектлар доирасига кўра: жамоат (суриштирувчи, терговчи ўзи томонидан жиноятни аниқлаши, ОАВ хабарлари) ва хусусий (ариза, айбини бўйнига олиш тўғрида арыз).

Бешинчидан, жиноят процесси назариясига кўра, жиноят ишини қўзғатиш жиноят процесси босқичлари ичида биринчи ва мажбурий босқич ҳисобланади. Аммо, ЖПКнинг 329-моддасига 2009 йил 21 декабрда киритилган ўзгартиришга асосан жиноят процессида жиноятга оид аризалар,

хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш босқичи ҳам киритилди. Шундай экан, жиноят процессида жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартибига қўйидагича таъриф беришимиз мумкин: Жиноят процессида жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби – бу жиноят ҳақидаги хабарни дастлабки тарзда кўриб чиқишни ўз ичига оладиган жиноят процессининг жиноят ишини қўзғатишдан олдинги дастлабки мустақил босқичидир.

2. Жиноят-процессул қонунини такомиллаштириш бўйича таклифлар:

Биринчидан, Жиноят процессида тортишув принципи тўла намоён бўлиши учун қўйидаги уч таркибий элементнинг мавжудлиги талаб этилади: 1) айблов ва ҳимоя тарафлари; 2) тарафларга процессуал тенгликнинг таъминлангани; 3) тарафлар ўртасидаги тортишувга сабаб ва жиноят ҳолатлари. Жиноят ишини қўзғатиш босқичида тортишувга эришишнинг энг муҳим кафолати суд ҳисобланади.

Жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарларни текшириш вақтида қандайдир турар жойнинг ҳодиса содир бўлган жой экани аниқланса ва унда яшовчи шахслар кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишга рози бўлмасалар, бизнингча, ушбу ҳаракатни ўтказиш учун ҳам суддан рухсат олиниши мақсадга мувофиқдир. Тўғри, жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш мумкин, лекин бундай ҳолатларда истисно тариқасида суддан рухсат олиниши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасидаги тураржой дахлсизлиги ҳуқуқини қўшимча кафолатлашга хизмат қилади. Шунга асосан ЖПКнинг 29-моддасининг биринчи қисмини **шахснинг турар жойида кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказилаётганда шахс норози бўлса бу тергов ҳаракати фақат суднинг розилиги билан ўтказилиши мумкин** деган сўзлар билан тўлдирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иккинчидан, ЖПКнинг 83-моддасига реабилитация учун асослар берилган бўлиб, ушбу модданинг биринчи қисми 1-бандида “иш қўзғатилган

ва тергов ҳаракатлари ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса” гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим деб мустаҳкамланган. Бизнингча ушбу моддадан “иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ўтказилган иш бўйича” деб ёзилган сўзлар чиқариб ташланиши керак. Шунда ушбу модда 1-қисмининг 1-бандида “жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса”, деган мазмундаги қоида қолади.

Учинчидан, ЖПКнинг 325-моддасини қуйидаги тарзда баён этишни таклиф этаман: Жиноят кодекси 105-моддасининг **биринчи қисмида**, 109-моддасида, 110-моддасининг **биринчи қисмида**, 111-моддасида, 118-моддасининг **биринчи қисмида**, 119-моддасининг **биринчи қисмида**, 121-моддасининг **биринчи қисмида**, 136-моддасида, 139-моддасининг **биринчи** ва **иккинчи қисмларида**, 140-моддасининг **биринчи** ва **иккинчи қисмларида**, 149-моддасида, 229-моддасида, 266-моддасининг **биринчи қисмида**, 267-моддасининг **биринчи қисмида** назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосидагина қўзғатилади. Жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги, айбланувчига қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда прокурор жабрланувчининг шикоятисиз ҳам жиноят ишини қўзғатиши шарт.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А.нинг 2015 йил 9 майдаги маърузаси. <http://www.press-service.uz>.
2. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. —Т.:19. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 360.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси —Т.: “Ўзбекистон”, 2010 й. 12 ноябрь. — Б. 56.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. —Т.: «Ўзбекистон», 2011. — Б. 440.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996 йил. Т. -1. Б-312.
6. Каримов И.А. Янгича ишлаш ва фикрлаш давр талаби. Т.: “Ўзбекистон”, 1997 йил. Т – 5. Б.-320.
7. Каримов И.А. За безопасность и мир надо бороться. -Т. Узбекистан, 2002. Т. -10. С. 34-35.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014 й. – Б. 76.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. –Тошкент: Адолат, 2014. – Б. 725.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. -Т.: “Адолат” 2014 й. - Б. 424.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 2014 йил 3 декабрь, ЎРҚ-378-сонли Қонуни Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.,

49-сон, 578-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг 18.09.2012 й. ЎРҚ-335-сон “Суд-хуқук тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 9/2-сон, 244-модда.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Jinoyat protsessi: (Maxsus qism): Yuridik oily o‘quv yurtlari va universitetlarining yuridik va fakultetlari uchun talabalari uchun darslik (Z.F.Inog‘omjonovanning umumiy tahriri ostida). –Т.:TDYI nashriyoti, 2008. 359 bet.
2. Mirenskiy B.A., Rahmonqulov A.X., Kamalxodjayev va boshq.; Ikramov Sh.T.ning umumiy tahriri ostida. O‘zbekiston Respublikasining jinoyat protsessi: IIV oliy ta’lim muassasalari uchun darslik. To‘ldirilgan ikkinchi nashri. - Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2013. - 587 b.
3. Басков В.И. Прокурорский надзор // Юридический мир. – 2008. – № 12. – С. 167.
4. Бойкова А.Д., Карпеца И.И. Курс советского уголовного процесса. Общая часть / Под ред. М., 1989. С. 409.
5. Власова Н.А. Первоначальный этап уголовного процесса по законодательству дореволюционной России и зарубежных стран // Проблемы предварительного следствия и дознания. Сб. науч. трудов. М., 2001. С. 48.
6. Григорьев В.Н. Задержание подозреваемого. – М.: Учебно-консультационный центр «Соринфор», 1999. – С. 146.
7. Гуценко М.Ф. Уголовный процесс. - М.: Зерцало, 2013. - С. 156.
8. Жиноят процесси. Махсус қисм. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. З.Ф.Иноғомжонованинг умумий тахрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – Б. 4.
9. Жогин Н.В., Фаткуллин Ф.Н. Возбуждение уголовного дела. М., 1991. С. 14-18.

10. Иммунидете в Российском уголовном пороцессе. Под.ред В.Н.Галузо М: ТЕИС, 1998 28-56 бетлар.
11. Қабулов Р., Соттиев И.А. Жиноятчиликка қарши кураш сиёсати ва унинг ички ишлар органлари фаолиятида амалга оширилиши: Маърузалар курси. – Тошкент: ЎЗР ИИВ Академияси, 2012. – 189 б.
12. Лаговьер Н., Строгович М. Народный следователь. Краткое практическое пособие. М., 1933. С.48.
13. Миразов Д.М., Акрамходжаев Б.Т., Закурлаев А.К. ва б.қ. Тергов аппаратлари фаолиятини ташкил этиш: Маърузалар курси. Муаллифлар жамоаси:– Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 54.
14. Миренский Б.А., Раҳмонкулов А.Х., Қодирова В.В. ва б.қ. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: ЎЗР ИИВ Академияси, 2012. – Б. 295.
15. Научно-практический комментарий УПК РСФСР под.ред. Л.Н.Смирнова, 1990, с-9
16. Пешков А.М. Арест и обыск в уголовном процессе США. М., Спарк, 1998 г. С. 7-10.
17. Раҳманкулов А.Х., Миразов Д.М. Дастлабки тергов: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 157-б.
18. Рачинский М.Ю., Рябцев В.П., Трубин Н.С. "Прокурорский надзор за соблюдением требований закона при учёта и разрешении заявлений и сообщений о преступлениях" М. 1997. Б.55.
19. Рыжаков А.П. Краткий курс уголовного процесса. – М.: Фелинг, 1998. – С. 189.
20. Рыжаков А.П. Уголовный процесс: возбуждение и отказ возбуждении уголовного дела. Учебное пособие. – Тула, 1996. – С. 27.
21. Савицкий В.М. Прокурорский надзор за дознанием и предварительным следствием. М., 1959. С. 163.
22. Сборник приказов прокуратуры. М., 2007. С. 151.

23. Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. В 2-х т. Т.1. М., 1968. С. 115.
24. Уголовно процессуальные основы деятельности органов внутренних дел. Под ред. Б.Г.Безлипкина. – М., 1988. – С.14.
25. Узбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шахслар. – 2012. Т. Адолат 97 бет.
26. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. Масъул мухаррир: проф. Ғ.Абдумажидов. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 366.
27. Фронцефоров Ю., Николайченко В., Громов Н. Производство экспертизы до возбуждения уголовного дела // Российская юстиция. – 1991. – №7. – С. 22.
28. Химичева Г.П. Рассмотрение милицией заявлений и сообщений о преступлении. М., 1997. С.6; Григорьев В.П. Возбуждение уголовного дела по новому УПК. Учебное пособие. М., 2002. С.3.
29. Якупов Р.Х., Голузо В.Н. Уголовный процесс. Учебное пособие. – М.: Зерцало, 1999. – С. 220.

Илмий адабиётлар ва мақолалар:

1. Акперов Р.С. Возбуждение уголовного дела в уголовно-процессуальном праве Российской Федерации: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Самара, 2010.
2. Артемов Л.А. Стадия возбуждения уголовного дела: процессуальные особенности и правовая регламентация действий правоохранительных органов: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Владимир, 2004. – С. 8.
3. Артемова В.В. Возбуждение уголовного дела как уголовнопроцессуальный институт: Дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.09. М.: РГБ, 2006. С.34.
4. Глебова А.Г. Процессуальное положение и содержание деятельности следователя при осуществлении уголовного судопроизводства по делам об

экономических преступлениях: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2014. – С. 13.

5. Голубев В.В. Анонимные заявления: позитивный взгляд на негативное явление // Законодательство. 2003. № 3. С. 71.

6. Картохина О.А. Начало и прекращение уголовного преследования следователями органов внутренних дел: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2003. – С. 14.

7. Ковалева М.Г. Возбуждение уголовного дела и обеспечение его законности и обоснованности. Дисс... канд. юр. Наук.: – СПб.: 2005, С.18.

8. Қўшаев Н.М. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 72.

9. Матусевич Г.В. Поводы и основание для возбуждения уголовного дела: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2004.

10. Раҳимов Ф. Дастлабки тергов: асос ва умумий шартлар // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. №3 (03), 2010. 40-б.

11. Раҳмонкулов А.Х. Дастлабки терговни илмий асосда ташкил қилишнинг баъзи жиҳатлари // Ўзбекистонда ҳуқуқ фанини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – Б. 399.

12. Усачев А.А. Возбуждение уголовного дела в российском уголовном судопроизводстве: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Иркутск, 2003. – С. 7.

13. Якимович Ю.К., Пан Т.Д. Досудебное производство по Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации (участники досудебного производства, доказательства и доказывание, возбуждение уголовного дела, дознание и предварительное следствие). СПб., 2003. С. 96-97.

Интернет сайтлари:

1. <http://www.bdm.uz>
2. [http://www.press-service.uz.](http://www.press-service.uz)
3. <http://www.lex.uz>
4. <http://www.bdm.uz>
5. www.huquqburch.uz
6. www.supcourt.uz
7. www.ugpr.ru
8. www.tsul.uz
9. www.ziyonet.uz